

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК ____**

ХАКИМОВ ДОСТОН МАҲАММАДҚОДИРОВИЧ

**“ЭСТРАДА АКТЁРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШДА
ПЛАСТИКА – АСОСИЙ ВОСИТА СИФАТИДА”**

5A150301 – Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги санъати)

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
Педагогика фанлари номзоди,
профессор Сайфуллаев Б.С.**

ТОШКЕНТ – 2014

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш
I боб.	Эстрада театрининг жанр хусусиятлари
1.	Эстрада санъатининг шаклланиш босқичлари
2.	Эстрада актёрининг функцияси
	I боб бўйича хулоса
II боб.	Эстрада театрида пластик ифодавийлик асослари
1.	Хатти-ҳаракат сахнавий мезон сифатида
2.	Эстрада актёрининг касбий фаолиятида пластика
	II боб бўйича хулоса
III боб.	Эстрада актёрининг пластик таъсирчанлигини оширувчи касбий омиллар
1.	Саҳна ҳаракати ва жанги фани эстрада актёри маҳоратини оширишда муҳим омил сифатида
2.	Эстрада актёрининг пластик хатти-ҳаракатида рақс санъати
3.	Эстрада санъатида мусиқа характери
	III боб бўйича хулоса
	Хулоса
	Адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Истиқлол яратиб берган кенг шарт-шароитлар туфайли маънавиятимиз ва шу жумладан, театр санъатимиз тез суратда ривожланиб кетди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 мартда қабул қилган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ўзбек театрининг янги даврда ҳар томонлама кенг ривожланиш йўллариini белгилаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Мустақилликни қўлга киритган Ватанимиз йигирма икки йиллик давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, барча соҳаларда босқичма-босқич ривожланиш йўлидан бормокда. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон айвонида ўз ўрнига эга бўлишида миллий санъатнинг ҳам ўзига хос аҳамияти салмоқли эканлиги шубҳасиздир.

Миллатимиз санъатсевар халқдир. Шунинг учун санъат - маънавият, маданият, ўтмиш, ахлоқ деган тушунчаларнинг тарғиботида кучли восита бўлиб келади. Санъатга муҳаббати кучли бўлган халқимиз бу восита билан келажак авлодни тарбиялаб келганлиги юртимиз ва театр санъати тарихидан маълум. Санъатда мўъжизалар яратилади, унинг илоҳий қудрати билан кишилар қалбини тўлқинлантириш, ҳайратга солиш мумкин. Бунинг натижасида инсон руҳияти камол топади.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган халқимизнинг маданий ва маънавий меросини, миллий қадриятларини юртимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг онгига сингдиришда, уларни гўзаликка маҳлиё қилиб, эстетик дидини тарбиялашда санъатнинг ўрни беқиёсдир. Ҳар бир санъат турининг вазифаси мамлакатимиз фуқароларини, айниқса юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама камол топган, қатъий ирода ва эътиқодга эга бўлган шахслар қилиб тарбиялашдан иборат. Кўп қиррали, ранг-баранг, турли санъат турлари ўзига хос равишда томошабинга, тингловчига, кузатувчига ва мухлисларга миллий маънавиятимизнинг энг ёрқин, таъсирчан, намунавий, кўрғазмали, бадиий-эстетик воситаларини

намойиш этишда муҳим ўрин тутди. Зеро, у томошабинларга бадиий жихатдан серзавқ, ҳаётий, томошабоп санъат асарлари орқали ғоявий ва тарбиявий таъсир кўрсатади. Сабаби, санъат аҳли у ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ у рассом бўлсин, хоҳ у ёзувчи бўлсин, хоҳ у актёри, режиссёр бўлсин ҳаммасининг ягона маслаҳи, жамиятимиз инсонларига маънавий озуқа ва маданий ҳордиқ беришни, руҳини поклаб, кўнглини кўтаришни, ҳаётий, кундалик муаммоларига жавоб топишга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бизга маълумки, театр санъати, тасвирий санъат, меъморлик санъати каби профессионал санъатлар қаторига бугунги кунда замонавий эстрада санъати ҳам кириб келди. Кўп ҳолларда биз эстрада деганда турли йўналишда қўшиқ куйлаётган хонандаларни кўз олдимизга келтирамиз. Концерт пайтида биз мулоқотга киришадиган ҳақиқий эстрада артистига хос бўлган профессионализм, маҳорат, эстетик дид, бадиий дунёқарашимизнинг кенгайиши, иштиёқимизнинг ортиши, умумий ҳавасимизни ривожланишига имкон яратади.

Ўзбек миллий эстрада санъати республикамиз ва хорижда анчагина оммалашиб қолди. Дастлаб эстрадада ижро этилган кўпгина қўшиқлар халқ орасида кенг тарқалди. Эстрадамизда мавжуд монолог, реприз кабилар кундалик нутқимиздан ҳам ўрин олиб бораяпти. Ҳозирги эстрада учун кўпжанрлилиқ ўзига хос хусусият бўлиб қолди, бу ўз навбатида томошабин эътиборини тортмоқда. Эстрада жамоатчилиқ ҳаётига жадаллик билан кириб бораяпти ва томошабин учун қадрли бўлган санъат турига айланиб қолаяпти.

Эстраданинг енгил идрок этилиши, оммабоплиқ, томошабоплиқ хусусиятлари унинг мазмундорлигига таъсир қилмайди. Бошқа санъатлар сингари эстрада ҳам ўз воситалари билан давр инъикосини акс эттиради ва маданият ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Эстрада санъати синтетик санъат тури бўлиб, унда кўпроқ томошавийликка урғу берилиб, хонандалик, актёрлик, пластика, ракс, пантомималар уйғунлашиб кўрсатилади. Бу санъат турида ҳам актёр энг

асосий вазифани бажаради. Актёрлик санъати инсонга ажойиб онларни ҳада қилиши мумкин. Чунки у сахнада туриб ортидан юзлаб томошабинни эргаштира олади, фикрини ўзгартириб, тўғри хулоса чиқаришига ёрдам беради. Эстрада актёри ҳам ўзида мана шундай хислатларга қўшимча сўз, хатти-ҳаракат билан биргаликда мимика, пластика, рақс, пантомима орқали муаллиф фикрини томошабинга етказа олиши мумкин. Актёр ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнати натижасида образни мукаммаллаштиради. Актёр фақатгина сўз оҳанги билан чегараланиб қолмай, пластика, имо-ишора ва юз мимикалари билан ҳам персонажини характерини бойитиши мумкин. Пластик ҳаракатлар актёр учун муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний ҳаракатлар танани чиниқтириш билан бирга актёр учун сахнада енгил ҳаракатланишининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Жисмоний етуклик актёрнинг ички ва ташқи руҳиятини ифодалайди. Эстрада театри актёри сифатида сўз усталари М.Ҳамидов, Р.Ҳамроқулов, Х.Тожибоев, О.Асомов, “Мирзо” театри вакиллари санаб ўтишимиз мумкин. Улар эстраданинг кулгу жанрига ўз услуби, ўзига хос ижод йўли билан кириб келдилар. Уларнинг ижодий фаолиятида актёрлик маҳорати, пластика, юморни ҳис қилиш, пантомима, пародия жанрларини бирлаштириш кузатилади. Айниқса, Ҳожибой Тожибоевнинг индивидуал ижро маҳорати, аскиялар пайтидаги ҳолатлари, юзларидаги ифода кишини беихтиёр жилмайишга ундайди. Ҳожибой Тожибоев театрининг томоша дастурларини кўрган ҳар бир кулги шинавандаси унинг нафақат сўз устаси эканига, балки профессионал актёр эканига ҳам гувоҳ бўлади. Негаки, у ўз кулгили ҳангомаларини номер даражасига олиб чиққан истеъдодли ижрочидир. Санъаткорнинг дастурларидаги кулгили ҳангомалари ҳаётий кузатувлари, ранг-баранг характерли қаҳрамонлари ижроси билан янада қизиқарлироқ чиқади. Ҳ.Тожибоев оддий воқеалардан бир зумда кулгили номер тайёрлай олиши билан профессионал қизиқчи, сўз устаси эканлигини исботлайди. “Мирзо” театр студияси актёри Ш.Исроиловнинг пародиялари, қўшиқларнинг қофиясини келиштириб қуйлаши эстрада

актёрининг ўзига хос бўлган яна бир хусусиятидир. Ёки театр студиянинг яна бир вакили Маъмур Холмедов ижодини кузатадиган бўлсак, унинг ижодидаги турли аёллар образида чиқиши, қизлардаги хос бўлган ноз-карашмалар, хатти-ҳаракатларни, юз ифодаларини ишонарли қилиб ижро этиши, сахнада ўмболоқ (салто) ошишлари вазнига нисбатан енгил ҳаракат қилиши актёрнинг пластикаси борлигига ишора. Сўз устаси, қизиқчи, актёр Валижон Шамсиевнинг ижодий фаолиятини кузатадиган бўлсак, аксарият чиқишларида акробатик ҳаракатлар ўрин олган. У жиккаккина чол бўладими, кампир бўладими ҳар бирида эркин ва енгил сакрашлар, илдам юришлар актёрнинг спорт билан тинимсиз шуғулланишидан дарак беради. Бу эса номерларнинг ранг-баранглигини, қизиқарли ва томошабоплигини таъминлайди.

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:

Эстрада актёри ўзига ажратилган вақт мобайнида томошабинга ҳам маънавий, ҳам маданий ҳордиқ бериши керак. Маданий ҳордиқ бера олаётган бўлиши мумкин, бироқ маънавий озуқачи?

- актёрлар ҳар бир образ устида ишлаш жараёнида ўз иқтидор ва маҳоратларини ишга солаётими?

- жисмоний имкониятларидан қай даража фойдаланяпти?

- бугунги кундаги эстрада актёрлари ўз вазифаларини бажараяптими?

- драматик театр актёри, мусиқали театр актёри, эстрада актёри уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

- актёрларнинг касбий маҳоратини оширишда пластика ифодавийлигидан қандай фойдаланиляпти?

- эстрада хонандаларида актёрлик маҳорати билан биргаликда тана пластикаси қай даражада?

- эстрада санъатининг хонандалиқ йўналишида замонавий изланиш авж олаётган бир пайтда, бу изланиш кўчирмакашликдан иборат бўлиб қолмаяптими?

- Эстрада санъати йўналишини тамомлаган талабалар иш фаолиятини қаерда жавом эттиради? каби саволларга жавоб топилиши билан мазкур диссертация долзарбдир.

Тадқиқод объекти ва предметининг белгиланиши: Эстрада санъати актёрининг касбий фаолиятини оширишда пластиканинг ўрнини театр актёрлар, сўз усталари фаолиятида ўрганиш орқали ижодий салоҳияти, пластика, маҳорат ва изланишлари акс этган спектакл, номер ва томошалари тадқиқот объекти деб олинган бўлса, уларнинг спектакл, номер томошаларидаги ўзига хос услуби, йўналиши, эстрада ва театр санъатига қўшган ҳиссаси предмети деб ҳисобланади.

Тадқиқод мақсади ва вазифалари: Ўзбек эстрада санъати актёрларининг бугунги кундаги фаолияти мисолида, улар иштирокидаги спектаклларнинг ғоявий-бадний савиясини ўрганиш, ёш актёрларнинг пластик маҳорати ва ижро маҳоратидаги ютуқ - камчиликларини илмий таҳлил қилиш мазкур магистрлик ишининг мақсади қилиб белгиланди. Мустақиллик давридаги ёш эстрада актёрларининг ижодий фаолияти, муаммо ва ютуқларини ўрганиш ва илмий асосда таҳлил қилиш магистрлик диссертациямизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотнинг вазифалари қуйидагича:

- замонавий ўзбек эстрада санъатининг илк кўринишлари;
- эстрада актёрининг драматурглик, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратини илмий асосда таҳлил қилиш;
- эстрада актёрлари сахнавий мезонни аниқлашдаги маҳоратларини ўрганиш ва шу билан боғлиқ муаммоларга жавоб топишга ҳаракат қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Актёр – бу доимий ҳаракатдир, унинг ҳар бир лаҳзаси зоҳирий эврилишлар давомидир ва айна пайтда унинг хусусиятини кўрсатувчи янги психологик ҳолатга ўтиш йўлидир. Шунинг учун актёрнинг ҳар лаҳзаси ҳаракатдан иборат. Бошни эгиш, қовоқни уйиш ёки очиш, юзда пайдо бўлган табассум,

хайратга очилган оғиз, кўзайноқни зиёлинома ушлаб турган панжалар ёки икки ёнга тушириб турилган кафтлар, актёрнинг муқим назар солиб турган пайтидаги норозилик ёки меҳрни ифодаловчи кўзлар-буларнинг барчаси ҳаракатда бўлади, тинч ҳолат улар учун бегона. Тадқиқотда бугунги кун актёрларида юқоридаги маҳорат борми ёки йўқми, эстрада актёри учун муқим бўлган шахсий ифодавийлик ролнинг образлилигини оширишда зарурий омил сифатида қаралаяптими каби масалалари кўриб чиқилади. Маъқул кўрилган фарз ва таклифлар берилади.

- замонавий ўзбек эстрада санъатида фаолият олиб борган ижодкорлар билан танишиш;

- эстрада актёрининг пластик маҳорати бугунги кунда қай даражада;

- эстрада актёрлари ижро маданияти ва маҳорати;

- санъат ва маданият институтида эстрада актёрлари тайёрлаш масаласи.

Ушбу мавзунинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, актёр ҳар доим мусиқачи куй чалишдан олдин созини созлагани, опера кўшиқчиси сахнага чиқишдан аввал овозини созлагани каби актёр ҳам рол ижро этишдан аввал ўз устида ишлаши, маҳорат ва тажрибасини ошириб бориши керак. Талаба институтда ўқиб юрган кезларида эстрада актёри бажариши керак бўлган вазифа ва топшириқларни бажаради. Ҳар йилнинг якунида мутахассислик фанларидан кўриклар топшириб аъло баҳолар олишади. Лекин, масаланинг бошқа томони бор, талаба ўқишни тамомлаб катта сахнага йўл олганидан кейин олган назарий билимларини образ устида ишлаш жараёнида қўллай олмасликлари кузатилади. Натижада бир хил характердаги ролларни ижро этувчи қолипга тушиб қолган актёрлар пайдо бўлади. Бу эса томошабинда ишончсизлик ҳолатини туғдиради.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Ўзбек эстрада санъати тарихи ва унинг актёрлик санъати тўғрисидаги қарашлар устида

шу кунгача маълум даражада илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, академик М.Раҳмоновнинг “Ўзбек театри”, М.Х.Қодировнинг “Ўзбек халқ томоша санъати”, фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Умаровнинг “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи” китобида ўзбек томоша ва эстрада санъатининг келиб чиқиш ва шаклланиш жараёнлари, ушбу санъатга оид термин ва тушунчаларни изоҳлаш, буюк алломалар ижодидаги санъатга алоқадорлик томонлари кенг ёритилган. Эстрада санъати жаҳон эстрада санъатидаги лидер шахслар мисолида ўрганиб чиқилган. Унда ибтидоий даврдан шу кунгача бўлиб ўтган театр санъатига оид маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари ўзбек муסיкий эстрадаси ҳақида Л.Юсуповнинг “Ўзбек муסיкий эстрадасининг шаклланиш ва ривожланишининг асосий босқичлари”, С.Аманмурадованинг “Миср ва Ўзбекистоннинг эстрада кўшиқчилиқ санъати анъаналари” номзодлик диссертацияларида 1920-40 йиллари юзага келган янги концерт жанрлари, ўзбек эстрада симфоник оркестри, вокал-чолғу ва жаз гуруҳларининг фаолияти билан боғлиқ масалаларга эътибор берилган. Кўриниб турибдики, “Эстрада актёрининг касбий маҳоратини оширишда пластика – асосий восита сифатида” мавзу юзасидан кенг қўламли иш олиб борилган эмас. Биз ушбу магистрлик диссертациямиз орқали актёрнинг пластик маҳорати бугунги кунда қай даражадалигини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва турли мулоҳаза ва таклифлар киритилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқодда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи: Эстрада санъати бўйича иш олиб борган олим ва профессорлар тадқиқотларидан ўрин олган тарихий, қиёсий, илмий услубларга асосланган ҳолда танланган объектни ўрганиш, тўпланган маълумотлар асосида ҳолисона илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг театр санъатини ривожлантириш

билан боғлиқ Фармон ва Қарорлари асосида масалани таҳлил қилиш илмий иш услубидир.

Тадқиқод натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотлар, таҳлил этиш жараёнида олинган натижалар, мазкур мавзу билан қизиқадиган санъат институти ходимлари ва талабалари учун қўшимча манбаа бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, институтнинг драматик театри актёрлари, мусикали театр актёри, эстрада актёри, режиссёрлик курслари талабалари учун театр ва актёрлар ижодий фаолиятларини ёритишда, эстрада театр санъатининг алоҳида хусусиятлари ёритилган ўқув қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқоднинг илмий янгилиги: Театр санъатида спектакл жамоавий ижод намунаси сифатида белгиланади. Унда рассомнинг, либосчининг, гримёрнинг ўзига хос ифода воситалари бор. Жамоанинг ишини кўрсатадиган бу актёр. Актёр муаллиф ғоясини, режиссёр фикрини томошабинга етказишда ақлий ва жисмоний лаёқатини ишга солади. Актёрлик санъатида ижронинг амалга оширишда турли ифодавий воситалардан фойдаланилади. Бугунги кунга қадар ўзбек эстрада санъати, актёрлик маҳорати мавзусида кўплаб китоблар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, мақола ва тақризлар ёзилган. Бироқ эстрада актёрлиги санъатида касбий маҳоратнинг оширишда – пластика асосий восита эканлиги ҳақида мустақил иш олиб борилмаган. Тадқиқотда сўз, ария, сахнавий хатти-ҳаракат билан актёр пластикасининг уйғунлашувида рақс, ритмика, сахна ҳаракати фанларининг ўрнини таҳлиллар, исбот ва далиллар орқали ўрганилиши мазкур диссертациянинг илмий янгилигини белгилаб беради.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи: Мазкур иш – Кириш, 3 боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги, илмий янгилиги, ўрганилганлик даражаси, ўрганилиши керак бўлган масалалар ҳақида фикр юритилади.

1-бобда Эстрада санъатининг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, жанрлари ҳақида сўз боради. Унда халқ томоша санъатида вужудга келган томоша турлари, ижрочилари фаолиятига тўхталамиз, бугунги замонавий эстрада санъатига тамал тошини қўйган Тамарахоним, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Зухур Қобулов, Эргаш Каримов каби буюк санъат дарғаларининг ижодий йўналишларини ўрганамиз, тадқиқот мавзусини ёритишда театршунос олимларнинг монография, рисола ва мақолаларидан, жаҳоннинг машҳур санъаткорларининг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланамиз.

2-бобда Эстрада санъатида хатти-ҳаракат сахнавий мезон сифатида актёрнинг драматург белгилаган шарт-шароитдаги ҳаракати изоҳланади. Мисоллар келтирилади. 2 бобнинг 2 бўлимида эстрада актёри ижодида пластиканинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтилади.

3-бобда Саҳна ҳаракати ва жанги фани эстрада актёри маҳоратини оширишда муҳим омил сифатида, эстрада актёрининг пластик хатти-ҳаракатида рақс санъати, эстрада санъатида мусиқа характери ва унинг динамикаси ҳақида мисоллар, таниқли санъаткорларнинг фикрлари, ибратомуз фазилатлари ҳақида ўртоқлашамиз.

I БОБ. ЭСТРАДА ТЕАТРИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Эстрада санъатининг шаклланиш босқичлари

Эстрада санъати ўзининг демократлиги, томошабоплиги ва энг муҳими, даврни англаш ва бадиий акс эттириш туфайли ўзининг ижтимоий келиб чиқиши, турли ёш, маълумоти, эстетик қарашларига кўра турлича бўлган омманинг эътиборини тортади. Эстрада пайдо бўлганидан то ҳозирги кунларгача бир неча турдаги ижодий фаолиятларни бирлаштирувчи синтетик санъат сифатида намоён бўлмоқда. Эстрада санъати деганимизда кўз олдимизга турли йўналишларда қўшиқ куйлаётган хонандаларни кўз олдимизга келтирамиз. Эстрада сўзининг асл маъноси ҳам - лотинча томоша кўрсатиш учун махсус кўтарилган “*жой*” яъни “*сахна*” маъносини беради. Эстрада санъати кундан-кунга ривожланиб бораёпти ҳар хил жанрдаги, ҳар хил услубдаги қўшиқ ва куйлар сони ортиб бормоқда. Уларнинг орасида мазмунсиз қўшиқлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ушбу санъат турининг келиб чиқиш тарихи, назарияси бошқа санъат турлари билан синтетик назариясини ўрганиш биз ёшларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири. XIX аср охирига келиб бу тушунча якка тартибда, кичик шаклда ижод қилиш маъносини англата бошлади. Драматург пьеса, режиссёр спектакл, актёр образ яратади. Уччала жараён бир кишида мужассам бўлиб, у кичик шаклдаги томоша яратса, номер деб аталди. Томоша – номер яратиш санъати XX асрдан бошлаб эстрада деб атала бошланди¹. Эстрада театри ҳақида сўз борганда, аввало унинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихига назар солиш зарур. Эстрада санъатига кўнгилочар дастур деб қаралгани ҳақида маълумотлар талайгина. Бироқ эстрада фақат кўнгил очиш учун эмас, балки унда ижтимоий муаммоларни, жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш-у, воқеа-тасодифларни ҳам кўрсатиш имконияти мавжуд. Муסיқали театр актёри образ холатини арияларда, драма театри актёри эса

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 199.

сўзда ифодаласа, эстрада актёри кўшиқ, сўз, ҳаракат, пластика ва пантомималарда ҳам ифодалай олиш хусусиятига эга.

“Эстрада шахсиятга таалукли, у актёрдан шахсиятлиликини талаб қилади. Кимки ўз шахсий хусусиятларини ривожлантира олсагина, ўз номер ва дастурига, ижод лаёқатига эга бўлсагина, томошабинни ўзига жалб қила олади ва сахнада узоқ йиллар муваффақият қозонади”- деган эди, санъатшунос олимлардан бири.

Эстрада санъати Ўрта Осиёга XX асрнинг ўрталарида жадаллик билан кириб кела бошлади. Бу даврда кўпроқ мусиқа ва хонандаликдан иборат гуруҳлар фаолиятини кузатиш мумкин.

Ижрочининг томошабин эътиборини ўзига қаратиши, унга ўз ижроси орқали дардини, орзу – умидини етказиши унинг зиммасида турган асосий вазифаларидан бири бўлган. Театрга томошабинлар шу вазифани аъло даражада бажарган актёрни олқишлагани келади. Халқ анъанавий мероси ҳақида гап кетганда, Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Мулла Тўйчи Орипов, Тамарахонимларни эсламай иложимиз йўқ. Чунки улар, халқ орасида юриб, ўзбек халқ маданияти ва санъати билан дилларни хушнуд этди. Уларнинг ҳар бир чиқишлари кишиларда ўзгача таасурот қолдиради. М. Умаровнинг «Эстрада ва оммавий томошалар» китобида XIX асрнинг 70-йилларида Қўқонда бўлган Чех фольклоршуноси А.Ф.Эйхгорн “XIX асрда бу шаҳарда 4та “қасабаи созанда” уюшмаси бўлиб, уларда жуда кўп машшоқлар, ҳофизлар, актёрлар, раққослар тўпланганини, улар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, қўшни давлатларга ҳам чиқар эдилар”¹, деб ёзгани ҳақида маълумот беради.

Бу маълумот сўзимизнинг исботи эканлигидан далолат беради. Тамарахонимнинг куйлаб, рақсга тушиши, Юсуфжон Қизиқнинг сўзга чечанлиги, Уста Олим Комиловнинг оддийгина доирада мўъжизавий усуллар яратгани элимиз тилида дoston бўлиб келмоқда. Мана шу кўринишлар эстрада санъатининг бир учкунлари эмасми? Эстрада санъати

¹ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 181.

ўша даврлардан турли жанрларга бўлинган. Пародия, қизиқчилик, дорбозлик, хонандалик, сўз устаси, аския, рақс, ҳикоянавислик, актёрлик каби. Юқорида таъкидланган жанрлар Ўзбек анъанавий театрига хос бўлган жанрлар бўлса, замонавий эстрада театрининг жанрлари: варьете, конференс, водевиль, имитация – тақлид, фельетон, миниатюра, пантомима, пародия ва интермедия кабиларни ўз ичига олади.

Халқимизнинг ардоқли санъаткорлари: Тамарахоним, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ака Бухор Зокиров, Карим Зарипов, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Уста Олим Комилов каби атоқли аждодларимиз шундай олқишларга арзигулик санъаткор бўлишган. Улар сахна санъатининг кадрига етишган, театр санъатининг нуфузи, таъсир кучи, тарбиявий аҳамиятини жуда яхши тушунишган. Бу йўлда фидойиларча меҳнат қилишган, изланишган ва авлодларга намуна бўладиган бадиий мерос қолдиришган.

Бугунги кунда эстрада санъати деб аталаётган санъатнинг туб илдизи анъанавий театр томошаларига бориб тақалади. Якка ҳолда ижод қилиш гуруҳ бўлиб фаолият юритиш, якка номерлар яратиш халқ анъанавий томошалари репертуарининг асоси бўлган. Ўзбек анъанавий театрида ижтимоий, сиёсий аҳамияти катта бўлган томошалар ижро этилган. Уларда раққослар, қизиқчилар, тақлидчилар, кўғирчоқбозлар қатнашган. Томошаларда асосан бойлар, миршаблар, адолатсиз қозилар кулгига олинган. Халқ анъанавий театрининг келиб чиқиши, уларнинг қатнашчилари, репертуари тўғрисида профессор Мухсин Қодировнинг «Ўзбек халқ томоша санъати» китобида батафсил ёритилган бўлиб, унда ўзбек анъанавий театри репертуаридаги томоша ва спектакллар ҳақида ҳикоя қилади. Унда ёзилишича, «Ўзбек анъанавий театрида улкан ижтимоий – сиёсий кучга эга бўлган сатирик томошалар билан бир қаторда меҳнаткашлар турмушидаги айрим нуқсонларни енгил ва дўстона ҳажв қилувчи юмористик қизиқчиликлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Хунарамандлар ҳаётига бағишланган «Бўз дўкони», «Нонвойлик»,

«Сартарошлик», халқ маросимлари ва томошаларига пародия сифатида пайдо бўлган «Келин тушди», «Улоқчилик», «Ёғоч полвон», овчиларга тақлид қилувчи «Кийик ўйин», тарбия масаларини ёритувчи «Мамаюсуф» каби томошалар шулар жумласидандир. Жоҳиллик, дангасалик, қайсарлик, мактанчоқлик, укувсизлик шунингдек, айрим кулгили холатлар, ножўя ҳаракатлар, ғалати қиёфалар юмор воситасида акс эттирувчи бундай томошалар камчиликларни тузатишга қаратилган бўлиб, томошабинларга бир олам кулгу ва хурсандчилик бахш этган... Хуллас, анъанавий театр репертуарида турли даврларда яратилган оддийгина тақлид ва пародиялардан тортиб кўп эпизодли комедиягача учрайди»¹.

Эстрада санъати ўз замонининг руҳиятини, муаммоларини, армонларини, дардини, шунинг билан биргаликда инсон орзу – умидларини намоиш этадиган восита сифатида пайдо бўлган. Дардни ёки орзуни ҳаракатда ифодалаганда ҳар икки вазиятда ҳам томоша кўрсатувчи, яъни – ижрочи актёр истеъдоди асосий талаб ҳисобланган.

Эстрада санъати синтетик санъат тури бўлиб, ўз ичига театр санъатини, мусиқа санъатини, цирк санъатини, тасвирий-амалий санъатни қамраб олади. Эстрада санъати XVIII асрда Франциянинг Париж шаҳрида Варьете, Кабаре ва мюзик холларда пайдо бўлган. Луғатга эса XIX асрнинг 2-ярмида киритилган. Профессионал санъат тури сифатида XX асрда шаклланди.

Варьете – томоша турларини бирлаштириш маскани. Варьете - французча «аралашма» маъносини англатади. Томоша турлари ҳисобланган театр, мусиқа, қўшиқчилик ва цирк санъатини бирлаштирган варьете театри 1790 йилда Парижда ташкил топган. Репертуари кўнгилочар томошалардан иборат бўлгани учун уни эстрада санъатининг илк кўринишлари деб эътироф этиш мумкин. Унда аввал бир актли спектакль намоиш этилган. Спектаклдан сўнг қўшиқ, шеър, рақс акробат, жанглёр ва фокусчилар ўз номерларини кўрсатган. Бу номерларни

¹ Қодиров М.Х.. Ўзбек халқ томоша санъати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1981 –Б. 42-43.

дивертисмент яъни эстрада актёрлари ижро этишган. Улар спектакллар ўртасидаги актларда, декорациялар алмашгунга қадар номер кўрсатиб туришган.

Кабаре – Французча овқатланиш жойи маъносини англатади.

Мюзик холл – мусиқали зал маъносини беради. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида мавзуга оид бир маълумот бизни қизиқтириб қолди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, Ўзбекистонда ҳам Мюзик-холл ташкил этилган экан. «Ўтган асрнинг 70 йилларида республикамізда илк бор «Мюзик-холл» ташкил этилди. Унинг асосчиси Ботир Зокиров бўлди. Бу шарқдаги биринчи ва собиқ иттифокдаги учинчи ана шундай ижодий жамоа эди. Аввалига, Москвадаги «Ленком» театрининг раҳбари, машҳур режиссёр Марк Захаровни ва Москва сатира театрининг бош режиссёри Александр Ширвиндтни ҳамкорликка таклиф қилди ва улар билан биргаликда «Мюзик-холл»учун «Денгиз сайёҳи Синдбоднинг 1973чи саёҳати» номли махсус концерт программаси сценарийсини яратдилар. Жамоа сафи шу тариқа кенгая борди. Ботир Зокировнинг ёнига унинг синглиси ва укалари Луиза Зокирова, Навфал Зокиров, Фаррух Зокиров, Равшан Зокиров, таниқли эстрада хонандалари Эсон Қандов, Наталья Нурмухаммедова, Юнус Тўраев, Тагир Раҳимов, сўз усталари – конферансьелар Маргарита Хонт, Владимир Лапин, кўғирчоқбоз Андрей Петровец, цирк актёрлари Юрий Махарашвили, Александр Беленько ва бошқалар келиб қўшилди»¹. Бу гуруҳ 65 кишидан иборат бўлиб уларнинг ижодлари гастрол сафарлари билан боғлиқ. Уларнинг репертуари «Синдбод ва мунажжим», «Чеварлар», «Доира билан рақс», «Товуш», «Келинчак», «Пахта», «Дўппи» сингари театрлаштирилган рақслар, хонандалар чиқишлари, кўғирчоқбозлар, цирк актёрлари, сўз усталари тайёрлаган номерларини икки қисмга бўлинган «Шарқ эртаги» ва «Тошкент уйи» деб номланган концерт дастурлари билан бойитилган эди. Бу айнан биз хоҳлаган ва биз кўрсатмоқчи бўлган эстрада театри санъати

¹Дўсметова Р. Ўзбек «Мюзик-холл»и: парвози ва – Театр журналі, 2009. №3, – Б. 20.

эди. Бу жамоанинг фаолияти узоққа бормади. 1978 йилги концертидан сўнг, айрим муаммолар сабаб ижодий жараён тўхтаб қолади. Демак, юқоридаги фикримиздан кўриниб турибдики, эстрада театр санъати ўз ичига турли жанрларни олар экан.

1. Эстрада сўз санъати жанри
2. Эстрада вокал жанри
3. Оригинал эстрада-цирк жанри

Жанрлар ўз ичига турли йўналишларни камраб олади. Конферанс жанри – «konferansie» - сўздан олинган бўлиб, концерт номерларини мазмунини тушунтириш, мантиқан бир-бирига боғловчи «маъруза» деб белгиланган. Маърузани ижро этувчиларни эса конфераньслар деб аталган. Эстрадада сўз устаси тушунчасини беради. Бу жараён хазил-мутуйибага йўғрилган, комедия жанрида бўлиши кераклиги талаб қилинган. Конферансье ҳар бир чиқишида кейинги номернинг нима ҳақида эканлигини томошабинга етказди. Бунинг учун у ижрочининг ижодий фаолиятини яхши билиши лозим.

Водевиль жанри – французча «енгил қўшиқ» маъносини билдиради. Бу жанр ҳозиржавоблиги, сиёсатдаги ўзгаришларга шаъмаси, қувноқ диалоглари, шўх қўшиқлар-ю, рақслари билан халқ ўртасида кенг тарқалган. Водевил актёрлари қўшиқ айтиб, рақсга тушиши, юмористик қобилияти, енгил пластик ҳаракатлари орқали мавзун ифодадай олиши билан ажралиб турган. Бу жанр бир спектаклда ўзгариб турувчи қиёфаларни сахнанинг ўзидаёқ бошқа қиёфага айлантира олиши билан эстрада актёрларини кашф қилди.

Бир актёр театри – бу жанрда бир актёр бутун бир жамоа қиладиган ишни бир ўзи муаллиф фикрини томошабинга етказди. Кўпинча эстрада театрини «бир актёр театри» деб номлайдилар. Эстрада театри айнан бир актёрга мўлжалланган ва қиёфани тез ўзгартира олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Қиёфани ўзгартиришда актёр вазиятни тўғри англай олиши, кийимлар алмаштиришда чакқонлик ва эпчиллик, диққат-эътибор ва

тезлик билан образга кира олиш хусусияти билан ажралиб туради. Бир актёр театрини ҳам иккига бўлиш мумкин. Театрлаштирилган ва якка чиқиш-қизиқчилик шаклида. Театрлаштирилган шаклига бир актёр ўзи турли киёфадаги персонажларни ижро қилади. Бугунги кунда ўзбек театр сахналаридда ҳам моноспектаклга нисбатан қизиқишлар кучаймоқда бу эса талаба ва ёш актёр ва режиссёрларнинг ўзларига бўлган ишончидан, изланишларидан дарак беради. Мисол учун, Гоголнинг «Шинел» асари актёр ва режиссёр Ш.Усмонов ижросида, «Тақдир» Ш.Нуралиев режиссёрлиги А.Узоқов ижросида, халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган «Широқ» эстрада санъати йўналиши магистранти Р. Дўсанов, Навоийнинг «Садди Искандарий» асари асосида «Искандар» А.Холмўминов режиссёрлигида С. Маннонов ижросидаги моноспектаклларни санаб ўтиш мумкин.

Моноспектакл – бу бутун томоша давомида сахнада бир актёрнинг қаҳрамон ҳаёти билан яшаши, унинг ички кечинмаларини, руҳиятини маълум бир вазиятда акс эттириши, ҳаракат қилишидан иборат. Бундай спектаклларни ижодий тажрибага, юксак маҳоратга эга бўлган ва бугунги кун томошабинига ниманидир айтишга ва кўрсатишга қодир актёргина ижро эта олади.

Қизиқчи ёки сўз устаси ижод шакли эса бир ижрочи микрофон олдида бор иқтидор ва маҳоратини ишга солиб ҳаётимизда учраб турадиган, бироқ ҳеч ким эътибор бермайдиган кулгили ҳолатлар, ижтимоий воқеа –ҳодисаларни юмор остига олади. Бундай ижодкорлардан М.Ҳамидов, Р.Ҳамрақулов, Х.Тожибоев, О.Асомов, М.Холмедов каби сўз усталари фаолиятини мисол қилиш мумкин.

Фельетон –кундалик турмушда рўй берадиган салбий ҳодисаларни ўткир тил билан танқид қилинган актуал мавзудаги газета ёки журнал мақоласи. Бу тур эстрада санъатида ҳозиржавоблиги, оммавийлиги, маиший ва ижтимоий ҳаётни очиқ ифодалай олиши билан аҳамиятлидир. Фельетон ижрочиси воқеани ўз бошидан ўтказгандай ҳикоя қилади. Бу

жанр мақол латифа ва афоризмлардан моҳирона фойдаланиш орқали амалга оширилса, таъсир кучи янада сезиларли бўлади. Мисол учун, буюк рус ёзувчиси Гоголнинг «Ревизор» асари мукаддимасида «Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!» каби мақоллар актёр муаллиф ғоясини томошабинга етказишида асар характерини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Имитация – тақлид – иш-ҳаракатда, юриш-туришда, ижодда ўзгага эргашиш, ўхшаш ёки ўхшатиш ва унинг натижаси; ўхшатма. Эстрадада бу қўлланма икки маънода қўлланилади. Биринчиси - табиатдаги жониворлар товушларини ҳамда маиший турмушда учрайдиган товуш ва шовқинларни маълум сюжетга бўйсундирган ҳолда ижро этиш. Иккинчиси – мухлислар орасида машҳур бўлган - қўшиқ, шеър, рақсларни қайта ишлаб кўрсатиш ва элга танилган хонанда, орамиздаги баъзи инсонларни гапириш усулларини, хатти-ҳаракатини, овози ва феълини ҳам бўрттириб ижро қилишга тақлид деб аталади. Бу йўналишда ижод қилаётган ёшлардан Шерзод Боймуродов, ёш эстрада хонандаларига тақлид қилувчи Шерзод (Бин) Сайидалиевларни айтиб ўтиш мумкин.

Миниатюра-кичик шаклдаги адабий ёки музика асари. Томоша санъатида рақс, қўшиқ, шеър ва цирк номерлари қисқача кўринишларини ўз ичига олган диалогли ҳазил пьеса, интермедия, водевиллар аста-секин сахнада ўз ўрнини топди. Миниатюра XVIII асрнинг охирида Европадаги концерт дастурларнинг таркибий қисмига айланди. Эстрада санъатининг ушбу йўналишига Эргаш Каримов бошчилигидаги телевизион миниатюра театрини мисол қилиш мумкин. Уларнинг ижодидан баҳраманд бўлмаган, завқланиб кулмаган телетомошабинларнинг ўзи бўлмаса керак. Айниқса, сеvimли шоирамиз Зулфияхонимнинг “Ўрик гуллаганда” шеърдан олинган ушбу парча билан бошланадиган “Тошойна” теленовелласи беихтиёр кишининг юзига табассум улашади. “Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.

Миниатюралар кичик сахнавий асар бўлишига қарамай унда ҳаётимизда учраб турадиган муаммоли вазиятлар юморга олинади. Муаммоларга жавоблар топилиши билан жамият ҳаёти фаровонлашади, кишиларни эзгуликка, меҳр –оқибатлиликка ундайди.

Пародия – грекча “пара” –тескари, “ода” – қўшиқ яъни қўшиқнинг акси маъносини англатади. Баъзи ҳолларда бирор асарга тақлидан ёзилган ва унинг заиф томонларини ҳажв қиладиган асар, сатирик ўхшатма. Пародия эстрада актёрлари фаолиятида кўп учрайдиган жанр. Бу актёр эркин ижод қилишига кенг йўл очади. Пародия қилинаётган қўшиқ ёки машҳур артист мавзу қилиб олинади ва унга алоқаси бўлмаган соҳадан таққослаш усули билан ижро қилинади.

Пародия уч турга бўлинади:

1. Конкрет шахсга (портретли)
2. Санъат асарларига
3. Ижтимоий ҳаётга

Интермедия – лотинча асосан драма асари орасида бажариладиган, одатда ҳажвий мазмундаги, қўшимча кичик сахна асари ёки пьеса. Бу қўшимча томоша спектакль оралиғида ижро этилиб, асар мазмунини яхшироқ ифодалашга ёрдам берган. Интермедия ижрочилари бадиҳагўйликка таяниб мавзуга мос чиқишлари билан томошабинларга хурсандчилик олиб келган. Интермедия ғарбдан кириб келган бўлиб, Италияда асосан трагедия ва комедия жанридаги спектакллар орасида намоёиш этилиши XVI асрдан одат тусига айланган. Шекспир асарларида учрайдиган масхарабозларнинг сатирик монологларга қурилган номерлари ҳақиқатни очилишига катта ёрдам берган.

Эстрада санъатида актёрнинг куйлай олиш қобилияти ҳам асосий ўринда туради. У томошабинга фақатгина сўз, мимика, жест ҳаракатлар билангина эмас, балки куйлаш орқали ҳам завқ бағишлаши мумкин.

Эстрада санъатининг вокал жанри икки йўналишга эга.

- Муаллифлик кўшиқ
- Эстрадада кўшиқ

Муаллифлик кўшиқ ҳам ўз ичига қуйидаги турларни қамраб олади:

- Шахсга қаратилган (Портрет)
- Баллада
- Сатирик

Оригинал эстрада санъатига қарашли бўлган – цирк жанри ўз ичига пантомима санъатини ҳам қамраб олади. Унда актёр бирор сўз айтмай рол ўйнайди. Актёрнинг юз ифодаси, мимика ва тана, жест-қўл ҳаракатлари пантомима санъати учун асосий характерга эга. Пантомима – мусиқа орқали ривожланган сюжетга мослаб, кишининг кечинма ва фикрлари, ҳаёт лавҳалари, инсон характерлари фақат ҳаракат, мимика, имо-ишоралар билан ифодаладиган сўзсиз театр жанри. Артист қиёфасини ўзгартира олиши бу энг муҳим мўъжиза, бирор сўз айтмай рол ўйнаши юксак маҳоратдан далолатдир. Актёр пантомима орқали инсоннинг ҳар бир ҳаракати ва ҳолатини, кўп қиррали юриш-туришини очиб бериши зарур. Артист ижтимоий воқелик моҳиятига дадил кириб боради, инсоний қиёфалар хусусиятларини яратади, худди ҳаётдагидек умумлашма ва жонли шахсларнинг қиёфасини вужудга келтиради. Пантомимада грим ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки грим актёр ижро қилаётган қаҳрамоннинг юздаги ифодасини яққолроқ кўрсатишга ёрдам беради. Қувноқлик ва ғамгинлик, яхшилик ва ёвузлик, қаҳр-ғазабни ифодалашда ҳам хатти-ҳаракатга муносиб грим ўз аҳамиятига эга.

Эстрада санъатининг яна бир муҳим жанрларидан бири конференсьеликдир. Эстрада концерт моҳиятан боғлиқ бўлган алоҳида чиқишлардан иборат бўлади. Алоҳида чиқишларни мазмунан ўзаро бир-бирига боғлаш орқали яхлит бир томошага айлантириш мумкин. Эстрада

концерти пайтида энг муҳим вазифани конференсье бажаради. Концертнинг марокли ўтиши конференсьенинг маҳоратига боғлиқ.

Конференсье – сўзининг маъноси концертни тартибли, дастурга мувофиқ олиб борувчи ва концерт давомида ўзи ҳам мустақил номерлар ижро этувчи артист маъносини англатади. Агар артист фақат номерларни эълон қилиш билан чегараланиб, ўзининг мустақил чиқишлари бўлмаса, у холда уни дастурни олиб борувчи деб аталади. Ҳар бир концерт ўз табиатига кўра бетакрор бўлади. Агар конференсье ўз чиқишини кўшиқ, рақс ва хатто фокус ёки пластик ифодавийликдан фойдаланиб тўлатиб борса жуда маъқул иш бўлади. Конференсье концерт олиб боришда ўзини қувноқ тутиши, томошабинлар билан мулоқотга чорлай олиши зарур.

Санъаткор санъатнинг қайси тури билан шуғулланмасин, у ижодкорликнинг энг сара намуналарини мухлислар эътиборига ҳавола этиш учун интилади. Ва бу йўлда тинимсиз изланиш олиб боради. Санъат қачон, қай вақтда бошланиб, қай вазиятда ривожланишига қарамай, ҳар доим у кишилар ҳаётини қувончга, завқ-шавққа тўлдиришда, жамият маънавиятини ўстиришда, баркамол авлодларни тарбиялашда муҳим бир восита бўлиб қолаверади.

1.2. Эстрада актёрининг функцияси

“Саҳнанинг ягона шоҳи ва ҳукмрони – истеъдодли актёрдир. Драматург фикрини изҳор қиладиган ҳам, режиссёр талқинига жон киритадиган ҳам, томошабин билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, унга завқ-шавқ бағишлайдиган ҳам, уни фикр юритишга мажбур қиладиган ҳам актёрдир”¹.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, саҳнанинг султони бўлмиш актёр билан томошабинлар ўртасида бевосита мулоқот бўлади. Актёрлар ўзлари ижро этаётган рол орқали томошабинни маънан бойитади, кўнглини

¹ Ризаев О. Наби Раҳимов: Ижодий портрет. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1997 –Б.5-6.

кўтаради, руҳини поклайди. Айнан маҳоратли актёр, ўз ижроси орқали бир ёки икки соат вақт мобайнида тарих ёки замонавий ҳаётдан ҳикоя қилиб, ўз ижроси орқали томошабин қалбида ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Актёрлик шарафли, фахрли шу билан бирга машаққатли касб ҳамдир. Актёрлик биргина истеъдод ёки маҳорат билан эмас, балки кучли билим, сабр-тоқат, дид ва фаросат, гўзаллик ва нафосат орқали эришиладиган мўъжизакор ва сеҳрли касбдир. Актёр –лотинча-“акт”, “akto” сўзларидан олинган бўлиб, ҳаракат деган маънони беради. Бир сўз айтганда, актёр - бу хатти-ҳаракат қилувчи шахс.

Актёр - муаллиф фикрини, режиссёр талқинини томошабинга етказадиган, томошабин билан юзма-юз мулоқот қиладиган, унга завқ бағишлаб, фикр юритишга ундайдиган санъаткор.

Кўпинча эстрада театрини бир актёр театри деб номлайдилар. Бунда бир актёр - драматург, режиссёр, рассомнинг айтмоқчи бўлган гапини бир ўзи томошабинга етказишни зиммасига олади. Саҳнада кичик сюжетдаги бошқа қаҳрамонларни ҳам ижро қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу айнан бир актёрга мўлжалланган ва қиёфани тез ўзгартира олиш билан боғлиқ эстрада жанри эканлигини назарда тутиш лозим. Қиёфани ўзгартиришда актёр вазиятни тўлиқ изоҳлаши шарт эмас, вазиятнинг аҳамияти бунда катта эмас, у актёрда рўй бераётган қиёфа ўзгаришини ҳаққоний эканлигини таъкидлаш, ҳаракатнинг ниҳоятда шартли бўлган белгиларини кўрсатиш учунгина мавжуд бўлади холос. Қиёфани ўзгартиришда кийимлар тез-тез ўзгартириб турилади. Шунинг учун бу ерда эпчиллик ва чаққонлик диққат –эътибор бир лаҳзада англаб олиш ва образга кириб олиш хусусияти зарур.

Фикримизнинг исботи сифатида 4-курс драма режиссёрлиги курси талабаси Холмўминов Асқар Буюк сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асари асосида “Искандар” (инцсеновровкаси) бир актёр спектаклини саҳналаштирди. Спектаклда Искандар ролини драма актёри Сардор Маннонов ижро этди. Режиссёр

ифода воситаларидан мусика, реквизит, сахна қурилишини ўзига хос тарзда танлаган. Актёр ижро давомида арқон, шапка, калла суяклари, қилич қалқондан фойдаланган. Катта бир дostonни қирқ беш минутли сахна асарига айлантириш, катта бир китобга сиғдириш мушкул бўлган воқеа - ҳодисаларни қисқа вақт ичида намоиш қилиш режиссёрдан ҳам, актёрдан ҳам тинимсиз меҳнат ва изланишларни талаб этади. Спектакль жараёнида актёр фожеани, қайғуни, хурсандчиликни, жанговорликни, қатъиятчиликни, кибр ва пушаймончиликни тушунарли тарзда ифода қилади. Актёр сўзнинг қудрати бемисл эканлигини ижросида исботлади. Спектакль дарвешона оҳанглар билан биринчи кўриниш бошланади. Спектакль давомида кўп ёзувчи олимларнинг фикрича, Искандар Зулқайнарнинг салбий жиҳатларига фарқли ўлароқ Алишер Навоий асарида саркарданинг ижобий томонлари акс эттирилганига гувоҳ бўламиз. Бобомиз Навоий Искандарнинг ютуқли, намунали томонларини алоҳида эътироф қилиш билан “Умуман ёмон одам бўлмайди, унинг ҳам бир яхши томони бор” деган фикрни бермоқчи бўлган бўлсалар нежаб. Актёрнинг сахнада бир қаҳрамондан бошқа бир қаҳрамонга айланиши Дарвеш ва Искандарнинг суҳбатини оддийгина қўл билан кўрсатиб беради. Қиёфа ўзгариши билан сўзлаш оҳанги, қаҳрамон характериға мос хатти-ҳаракат ҳам ўзгаради. Бир актёр сониялар ичида томошабин кўз ўнгидан қиёфасини ўзгартирар экан, томошабин буни пайқаб қолмаслиги керак. Сахнада бошқа қаҳрамон намоён бўлганини унинг кўз қарашларидан, ҳаракатидан билиши лозим. Бунинг учун актёрдан чаққонлик, тезлик ва эпчилик талаб этилади.

Эстрада актёри қиёфасини ўзгартириши бу фақат яхши тайёрланган трюк эмас, балки кўпгина шахслар иштирок этаётган кичик спектакль. Спектакль эса ижодий жамоа меҳнатининг маҳсули. Спектакль муваффақияти учун бутун бир жамоа ижод қилади. Фақат сахнада бир актёр рол ўйнайди. У спектакль қанча вақт давом этишидан қатъий назар, муаллиф ва режиссёр фикрини томошабинга етказиши, уларға завқ

бағишлаши, томошабин томоша залини ташлаб чиқиб кетмаслиги учун уларни куруқ сўзлар билан зериктириб қўймаслиги керак. Қилинаётган хатти-ҳаракат мақсадли бўлиб, томошабинга маънавий озуқа ва маданий ҳордиқ олишига замин яратиши актёрнинг олий мақсадига айланмоғи шарт. Иқтидорли актёр тарихчи сифатида ҳам сахнада пайдо бўлади. У ўз ролини ижро этаётган пайтда ёрдамчи ифода воситалари либос, грим ва ниқоб билан давр ҳақида ҳикоя қилади ва мулоқотга чорлайди. Ўша давр руҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлишига ёрдам беради. актёр классик асардан рол ижро этиши билан давр руҳиятини ҳис қилмоғи, ўша давр кишиларни юриш –туришини, саломлашиши, душман билан жангга кирганда ўзини қандай тутишини ўрганишга ҳаракат қилади, изланади, ўз устида ишлайди.

Сахна санъатида актёрнинг ўрни муҳим омил ҳисобланади, деб кўп такрорлаймиз. Албатта, бу масъулиятли касб эгаси томошабинга эзгу ғояларни етказар экан, ўзи ҳам инсоний туйғуларни ҳурмат қиладиган, олийжаноб шахс бўлмоғи керак. Эстрада актёри спектакл ғоясини, концерт, номер мазмунини елкасига олиб сахнага чиқар экан, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора ифодали ижро этилиши, пластик ифодавийлик билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Шунинг билан бирга асарни ўқиб, қаҳрамони ким эканлигини, ҳаёт йўлини, характери, қизиқишлари ва мақсадини аниқлаб олиши зарур. Шундагина муаллиф тасвирлаган, режисёр ҳаёлидаги образ яратилиши мумкин. Образ яратишда бошқа санъат турларидан фойдаланиш режиссёрнинг қобилияти ва иқтидорига боғлиқ. Шунингдек, театр синтетик санъат тури ҳисобланиб, ўзида адабиётни, тасвирий санъатни, мусиқани, дизайн ва хунармандчиликни мужассам этади. Адабиёт сахна санъати учун асос яратса, тасвирий санъат уни изоҳлайди, мусиқа эса туйғуларни ифодаласа, дизайн давр ва замон руҳини беради. Барча санъат турлари бирлашиб драматург фикри, режиссёр ёндашуви ва актёрнинг хатти-ҳаракатини ифодалашга ёрдам беради. Актёр драматург фикрини бера олиши керак. Фикрни бериш

билан бирга актёр фикрга айтилаётган гапга қараб ҳам ҳаракат қилади. Ҳаракат фикр билан уйғун бўлиши, бир-бирини тўлдириб туришиш лозим. Фикр бошқа ҳаракат бошқа бўлганда актёр мақсаднинг аниқ эмаслиги ролни тушунмаётганини билдиради. Томошабин бу персонаж кимлигини ажрата олмай қолади. Агар актёр ролига тўғри келса, унда ўз кучига қатъий ишонч пайдо бўлса, ролдаги янги топилмалар ҳам муваффақиятли чиқади. Муаллиф фикри томошабинга аниқроқ етиб боради.

Актёрнинг пластик ифодавийлиги қачон кўринади?, -деган савол туғилиши мумкин. Актёрнинг пластик ифодавийлиги сахнадаги юришида, ўтиришида, саломлашишида, қўлларини ҳаракатлантиришида кўриниши мумкин. Мисол учун, персонажнинг характерида такаббурлик, манманлик, кибр каби иллатлар мавжуд бўлса, актёр ижро давомида қаддини тик тутиши, ўзига бўлган қатъий ишонч билан қадам ташлаши, атрофидагиларга нисбатан беписандлик билан қарашини ифодалаши мумкин. Маълумки, драматург ўз дунёқарашини қаҳрамонларининг фаолиятларига сингдириб боради. Режиссёр уни сахнавий талқинда ўз ечими билан намоиш қилади. Актёр ўзига топширилган ролини ўз ҳаётий тажрибалари билан тўлдириб, томошабинга етказади.

“Драматург ва режиссёрнинг кўзлаган мақсади спектаклда энг аввало актёр ижроси орқалигина рўёбга чиқади. Фақат истеъдодли актёргина ифодавий сахна хатти-ҳаракатлари орқали асарнинг олий мақсадига шакл ва жон киритади¹”, - дейди доцент О. Ризаев “Наби Рахимов” ижодий портретида. Албатта агар актёр бўлмаса, драматург ёки режиссёр ўзи сахнага чиқиб ғоясини шундоқлигича етказиб беролмаслиги мумкин. Актёр эса асар муаллифи нима демоқчи бўлганини билимига, тажрибасига, кузатувларига асосланиб маҳорат билан ижро этади ва орқасидан томошабинни эргаштира олади.

¹ Ризаев О. Наби Раҳимов: Ижодий портрет. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1997- Б. 5-6.

Эстрада актёрининг мусиқали театр актёри, драма актёридан фарқи нимада? Драматик актёрни спектаклнинг темпо - ритми бошқаради. Уни ҳис қилган актёр шунга асосланиб ўз образини яратади. Драматик актёрда сўз санъати муҳим аҳамиятга эга. Мусиқали театрда мусиқа спектаклга жон бағишлайди. Мусиқа билан бойитилган асарнинг воқеалари куй ва кўшиқлар орқали бир – бири билан боғланади. Сўздан асар дунёга келади, сўздан кўшиқ яралади. Саҳнадаги қаҳрамоннинг ички изтиробни кучайтиб, кувонч ёки ҳасрат чексиз бўлганда, сўз билан ифодалаб бўлмас ҳолат – кўшиқ ва куй орқали томошабинга етказиб берилади.

Мусиқали театр актёри қаҳрамон нутқи орқали дардини очади, дарднинг авж пардаларида куйлаш орқали яхлит ҳолатни саҳнада ярата олади. У саҳнада образ яратишга киришар экан, ўз қаҳрамонининг бош мақсадини ва етакчи хатти – ҳаракатини белгилаб, шу асосда ролдаги сўз ва мусиқавий қисмларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаб олади. Мусиқали театр актёрининг сўздан куйга ёки куйдан сўзга ўтишда узвийликни йўқотмаслиги, унинг маҳорат даражасини белгилайди. Бу жараёнда органик ҳолат бузилса, хатти – ҳаракат изчиллиги йўқолади, ижрода сунъийлик ва юзакилик пайдо бўлади.

Эстрада актёри эса драма актёрида кузатиладиган темпо-ритмни, сўз санъатини ҳам, мусиқали театр актёрининг асосий хусусияти ҳисобланган вокал имкониятларини ҳам ўзида мужассам этади. Эстрада томошаларда актёр рол ижро этиш орқали ҳаёт манзараларини жонлантирувчи бадиий баёнчи сифатида кўринади. Шу ҳол унинг касбий даражаси юқори ва кўп қиррали бўлишини тақозо этади. Юзлаб томошабинлар кўз ўнгида ҳаракат қилувчи эстрада актёри ижодкор сифатида ҳам маънавий комил шахс сифатида ҳам ўзини кўрсата олиши лозим бўлади. Бу эса эстрада актёри нақадар кўп қиррали истеъдод эгаси ва тайёргарлиги етарли бўлиши ўз-ўзидан маълум. Томошабин саҳнада турган актёрни савия, маданият жиҳатидан етарли даражада эмаслигини сездими, ундай санъаткорни ўзини ҳам, санъатини ҳам тан олмайди. Эстрада актёри ўз

индивидуаллигини нафақат кўшиқ билан балки, сахнада ўзини тута билиши, очиклиги, бадихагўйлиги, томошабинлар билан мулоқотга кириша олиши шунингдек пластика, грим ва либосда, ўз номерини сценографик кўринишини яна бошқа ифода воситалари (чирок, мусиқа, реквизит) билан эркин ифодалай олиши керак. Эстрада актёри ҳикоя қилади, воқеани тасвирлайди, оммага намойиш этади. Касбий маҳоратини оширишда эстрада санъатининг барча жанрларидан фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиши, улардан унумли фойдалана олиши профессионалликка етаклайди.

Эстрада санъати бўлим талабаларида ҳам драма, мусикали театр актёрларида 1-курса буюмларсиз ишлаш, кузатув, ҳайвонот олами, табуреткалар билан ишлаш, сахна ҳаракатида классика, ритм, пластика каби ўқув дастурларидан иборат машғулот ўтилади.

Бу уларнинг келажакда етук санъаткор бўлишига замин яратади. Ва яна талабаларда меҳнат қилиш, ўз устида ишлаш хислатларини шакллантиради. Босқичма-босқич ўтиб бориладиган бундай машғулотлар талабаларни профессионал касб эгаси қилиб тарбиялайди.

I-боб бўйича хулоса

Актёрлик санъати кишиларга бошқа бир жиҳатдан тенглаштириб бўлмайдиган онларни ҳада этади. Сахнадаги актёр томошабиннинг ҳеч ким билан ўртоқлаша олмайдиган ички дарди билан сирлашишга, ўзини қийнаётган саволларга жавоб топишига, руҳиятига маънавий озуқа олишига ёрдам беради. Эстраданинг енгил идрок этилиши, томошавийлиги, оммабоплик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бошқа санъатлар сингари эстрада ҳам ўз воситалари билан давр инъикосини акс эттиради ва маданият ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Театр асосчиси, режиссёр ва актёр К.С.Станиславский “Сахнавий шахсиятлилиқ – бу энг аввало руҳий қиёфадир, бу санъаткорнинг ўз ижодига бўлган нуқтаи назаридир, бу санъаткор дунё, одамлар ва ижодга

назар соладиган бадий нигоҳдир,”-деб ёзади “Санъатдаги ҳаётим” китобида.

Актёр - бу доимий ҳаракат демакдир, унинг ҳар бир лаҳзаси зоҳирӣ эврилишлиги давомӣдир ва айна пайтда унинг хусусиятини кўрсатувчи янги руҳий ҳолатга ўтиш йўлидир. Шунинг учун актёрнинг ҳар лаҳзаси ҳаракатдан иборат. Бошни эгиш, юзда пайдо бўлган табассум, ҳайратга очилган оғиз, актёрнинг муқим назар солиб турган пайтидаги норозилик, меҳрни ифодаловчи кўзлар, буларнинг барчаси ҳаракатда бўлади. Тинг ҳолат улар учун бегона. Тинч бўлган ҳолат ҳам бирор мақсад юзасидан бўлиши лозим. Эстрада санъати актёр ва томошабин ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилишни талаб қилади.

Эстрада театр актёри томошабиндан юмор ҳисси мавжудлигини, комедия образини албатта тушуниш ҳислати борлигини назарда тутди. Нуқсонлар устидан кулиш бу инсоннинг ахлоқий соғломлашаётганидан дарак беради. Муболағадан фойдаланаётганда эстрада актёри меъёрни ҳис этиш лозим бўлади. Бу ҳақда комик актёр Чарли Чаплин шундай деган эди, “-Мен жуда ошириб юборишдан ёки бировнинг бирор нозик жойига тегиб кетишдан қўқиб тураман. Муболағани фақат яхши кулги билан текислаб кетиш мумкин”. Эстрада актёрининг ўзига хослиги драматиклик ва комиклик, трагиклик ва эксцентрикликни ўзаро уйғунлаштириб юборишида кўринади. Бунга XX асрнинг буюк комик актёри Чарли Чаплин ижодий фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. У режиссёр ва актёр сифатида бир неча овозсиз фильмлар суратга олган. Ушбу фильмлар овозсиз бўлса-да, маҳоратли актёрнинг пластик хатти-ҳаракатлари билан кино нима ҳақидалигини билиш мумкин. Чарли Чаплиннинг ўзига хос юриши, шляпаси, ҳассаси, мўйлови каби ифодавий элементлари билан элга танилган. У бир актёр билан сўзсиз, пластик ҳаракатлар орқали ҳам томошабинни ҳайратлантириш мумкинлигини кўрсатди.

Агар эстрада актёрига концерт дастурини олиб бориш юклатилган бўлса, у ҳолда артистнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти билан яхши танишиши, қўшиқлар мазмуни билан таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Эстрада санъатида бошловчилик алоҳида ном билан яъни конференслар деб аталган. Конференслар ҳар бир номерни эълон қилишдан аввал ўша қўшиқнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, маълум бир вақт оралиғида сахна кўриниши кўрсатиши, шеър ўқиши, ҳажвий чиқишлар қилиши мумкин. Албатта бу чиқишлар концерт режиссёри, концерт бераётган хонанданинг келишуви асосида уюштирилади. Конференслар хоҳласа, бир ўзи концертни олиб бориши, хоҳласа бирор касбдоши билан шерикликда чиқишлар тайёрлаши мумкин. Демак, эстрада театр санъати шаклланиб, ривожланиши қайси даврда, қандай шароитда бўлмасин, у жамият кишиларини маданий хордиқ олишга, маънавий етукликка интилишига, гўзалликни ҳис қилиш, инсоний фазилатларни улуғлашга, ҳақиқат учун курашишга чорлайверади.

Шу ўринда марҳум устозимиз Тошпўлат Турсуновнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Ҳар бир тарихий даврнинг ўз театри, ўз актёрлари, ўз томошабинлари бўлади. Давр ўтиши билан унинг театри ва артистларининг ижодий нафаси, талқин усуллари, ижро ранглари ўзгаради. Шунга яраша томошабинлар диди-ю талаблари ҳам...”¹.

¹ Турсунов Т. Ўзбек театр тарихи монографияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 15.

II БОБ. ЭСТРАДА ТЕАТРИДА ПЛАСТИК ИФОДАВИЙЛИК АСОСЛАРИ

2.1. Хатти-ҳаракат сахнавий мезон сифатида

Мустақил юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни ҳам маънан, ҳам руҳан баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз томонидан устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу мақсад сари бошқа соҳа вакиллари каби, театр санъати ижордкорлари ҳам дадил изланишлари, давр талабларига мос сахна асарлари яратиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Эстрада санъати энг аввало эстрада актёри учун зарур бўлган фикрни сингдирувчи восита сифатида пластика, мимика, ишора ва ниқоб каби ифодавий воситалардан фойдалана олишни билиши зарур. Сахнада ҳаёт, инсон руҳини яратишда темпо-ритм аҳамияти, эстрадада бадий образ яратиш муаммолари, ўйин усуллари, актёр, рол, персонаж, образ. Эстрада ижрочисининг лисоний ҳаракати хусусиятлари - конференс образи, эстрада дастурларида мулоқот, эстрада концертлари, театр томошалари характерида акс этади.

Актёрнинг ижтимоий нуфузи ниҳоятда баланд ва масъулиятли. У ўз касби, табиатига кўра халққа маънавий озуқа берувчи шу боис, доимо сахнада ҳам, ҳаётда ҳам кишиларнинг кўз ўнгида турувчи касб эгасидир. Яъни, актёр сахнада гўзал ғоя ва эзгулик ҳақида сўз очиб ҳаётда унга зид ҳаракат қилиш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда ҳам у ўз ахлоқий гўзаллиги, маданияти ва маънавий комилиги билан кишиларга ўрнак бўлиши лозим бўлади.

Актёр хатти-ҳаракатини сахнавий мезон сифатида олиб қарайдиган бўлсак, аввало мезон сўзининг туб маъносига назар ташлаш лозим. Мезон - ўзбек изоҳли луғатида “ўлчов, тарози” маъноларида изоҳланган. Бу атама адабиётда, шеъриятда кўп қўлланилади. Бадий адабиётнинг сахна асарларида қаҳрамоннинг ҳаракатлари бир мезонга яъни қачон, қаерда бўлиши асосланади. Бу эса ўз-ўзидан актёрнинг, драматург берган шарт-

шароитда, режиссёр топириғига биноан хатти-ҳаракат сахнадаги жойлашуви – мезансахнага олиб келади. Мизансахна сахнанинг жойлашув ва бир-биридан ўтиш йўллари. Мизансахна актёр учун яратилади. Актёр қаерда ўтириши, қайси тарафга юриши, қачон, кимдан кейин гапириши ҳаммаси асосий чизикка терилган бўлиши лозим. Ана ўшанда актёрнинг олий мақсад сари қадам ташлаши аниқ ва равшан бўлади. Мезансцена ўз ичига жонли хатти-ҳаракат қилувчи инсонни қамраб олган пластик ва овозли воситадир. Нур, ранг, шовқин ва мусиқа қўшимча бўлиб, сўз ва ҳаракат унинг асосий компонентларидир. Драма санъати, актёрлик санъати хатти-ҳаракатга, активликка асосланган. Сахнада ҳаракат қилиш зарур. Драма сўзининг луғавий маъноси ҳам юнон тилида «содир бўлаётган ҳаракат» демакдир. Лотин тилидан олинган actio сўзи драма сўзига монанддир. Демак, содир бўлаётган хатти-ҳаракатни бажараётган ижрочи бу актёрдир. Сахнада хатти-ҳаракат қилишим керак экан деб, бекорга мақсадсиз юриш—югуришнинг фойдаси йўқ. Ҳар бир қадам, ҳар бир ҳаракат олий мақсад сари яъни драматург ва режиссёрнинг фикрини томошабин онгига сингдириш учун хизмат қилиши зарур. Партнёрлар билан бажарилган турли координация машқлари, репетициялар натижасида актёр режиссёр томонидан олдиндан режалаштирилган аниқ сахнавий мезансценада хатти-ҳаракат қилишга кўникма ҳосил қилади. Масалан, “Ўзбекча рақс” (Н.Аббосхон асари, Реж.Т.Азизов)спектаклидаги Марьямнинг ўз динидан чиқиш сахнасини олайлик, у сахнанинг чап томонинг олд қисмида (*залдан қараганда*) тиз чўкиб қўллари қовушган ҳолда чўқинаётган ҳолати, сахнанинг ўнг тарафидан Турсунбойнинг чиқиб келиши ва Марьямни қўлидан ушлаб турғизиши бу рус қиснинг ислом динига ўтиши ва мухаббати учун мана шу юртда қолишига қилинган ҳаракат эди. Ёки Тошвойнинг девордан мўралашида Марьямни йўлдан уриш ниятида қилинган ҳаракатни актёр учун белгиланган мезансахнада хатти-ҳаракат дейиш мумкин.

Саҳнада кўпчилик олдида ижод қилганда ролни чинакамига ҳис этиш, туйғуни актёрчасига, ёлғондакам қилиб кўрсатмай, балки инсонийча, мантиқан изчиллик билан, мақсадга мувофиқ, унумли хатти-ҳаракат орқали пайдо қилиш Станиславский системасининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Станиславский системасининг яратилиши актёрлар, режиссёрлар, театр педагоглари учун қимматбаҳо қўлланма бўлди. Системада саҳна санъати табиатининг маънавий ҳамда жисмоний элементлари кўриб чиқилиб, амалий бадиий фаолиятдаги уларнинг узвий алоқалари очиб берилади.

“Станиславский системаси” қуйидаги тамойилларга бўлинади:

1. Ҳаётий ҳақиқат (Ҳаётийлик тамойили).
2. Олий мақсад (Санъатда ғоявий фикрнинг «Олий мақсад» орқали амалга оширилиши тамойили).
3. Фаоллик ва етакчи хатти-ҳаракат (Саҳнадаги мақсад сари интилиш жараёнида сезги ва ҳиссиётларни қўзғатувчи ягона куч ҳаракат эканлиги тўғрисидаги тамойил).
4. Табиийлик (органик) тамойили (Актёрнинг табиий тарзда пайдо бўладиган ижод тамойили).
5. Актёрнинг образда яшаш тамойили (Сиймо қиёфасига киришиш чоғида актёрнинг ўзлигини йўқотмай, ижодий ёндашуви тамойили).

Саҳнада бўлаётган ҳар қандай хатти-ҳаракат фаоллашиб бориши керак. Фаоллик тамойилининг моҳияти, Станиславскийнинг сўзи билан айтганда, “образ ва эҳтиросларни ўйнаб бўлмайди, балки образга кириб, эҳтиросларнинг таъсири остида хатти-ҳаракат қилмоқ керак” . Актёр саҳнада ҳаракат қилар экан, асардаги қарама-қаршиликлар кучайиб борган сари унинг ҳаракатлари ҳам асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда фаоллашиб бориши керак. Акс ҳолда томоша ёки спектаклни томошабин томонидан қабул қилиши сусаяди ва натижада асар саҳнада муваффақият қозониши қийин бўлиб қолади. Шунинг учун этюдлардаги қарама-

каршиликларни кучайтириб, қаҳрамонларнинг ҳаракатларини фаоллашиб боришига эришиш лозим.

Ҳаракат - бу инсоннинг малум бир мақсадини амалга ошириш йўлида қилган қилмишидир. Ҳаракат ҳамиша фаол кечадиган жараёндир. Биз доим атроф-муҳитга, нарсаларга, табиатга, одамларга тасир кўрсатамиз. Бу тасир фикр билан, туйғу билан, ирода билан ифодаланади. Булар бир-бирига узвий чамбарчас боғлиқдир. Ҳаракат акс ҳаракатни келтириб чиқаради. Бу руҳиятимизга боғлиқдир. Ҳаракат асосига қурилган актёрлик санъатининг маънавий, маърифий аҳамияти ва унинг тарбиявий кучи бениҳоят каттадир.

Актёр учун «етакчи хатти-ҳаракат» - персонажнинг барча ҳаракатларининг асоси бўлиб, у асосий ғояга, олий мақсадга етаклайди. Етакчи хатти-ҳаракат барча ҳаракатнинг асосий «қизил ипи» бўлиб, алоҳида бўлак ва кичик вазифаларни бир чизиққа бирлаштириб, олий мақсадга йўналтиради.

“Саҳнада беҳуда югуришнинг хожати йўқ, - дейди Торсов. – Саҳнада бекордан бекорга югуриш ва азоб чекиш мумкин эмас. Саҳнада хатти-ҳаракат қиламан деб, “умуман” ҳаракат қилишнинг кераги йўқ, балки асосли, мақсадга мувофиқ ва унумли хатти-ҳаракат қилмоқ керак” .

К.С.Станиславский қуйидагича ҳикоя қилади: “Саҳнада хатти-ҳаракат қилмоқ керак. Драма санъати, актёрлик санъати хатти-ҳаракатга, активликка асосланган. “Драма” сўзининг ўзи қадим юнон тилида “содир бўлаётган ҳаракат” демакдир. Лотин тилидаги “актио” сўзи драма сўзига монанддир, бу сўзнинг ўзаги “акт” бизнинг “активлик”, “актёр”, “акт” сўзларимизга ҳам ўтган. Шундай қилиб саҳнадаги драма кўз ўнгимизда кечаётган хатти-ҳаракат демак, саҳнага чиққан актёр эса хатти-ҳаракат қилувчи кишидир.

- Кечирасиз, - тўсатдан гапириб юборди Говорков, - сиз саҳнада ҳаракат қилмоқ керак, дедингиз. Лекин, сизнинг креслода ўтиришингиз

кандай қилиб хатти-ҳаракатга кирсин? Менимча бу тамомила ҳаракатсизликнинг ўзгинаси-ку.

- Аркадий Николоевич хатти-ҳаракат қилдими, қилмадими, бунисини айтолмайман, - ҳаяжон билан гапирдим мен, - бироқ Аркадий Николоевичнинг “хатти-ҳаракатсизлиги” сизнинг “серҳаракатлигингиз”га караганда минг марта қизиқарлироқ бўлди.

Саҳнада қимирламай ўтириш пассивликдан далолат бермайди, - тушунтира бошлади Аркадий Николаевич. – Саҳнада қимирламай ўтирган киши ҳам хатти-ҳаракат қилаётган бўлиши мумкин. Лекин бу ташқи-жисмоний эмас, балки ички-психик ҳаракатдир. Бинобарин, жисмоний сокинлик кўпинча кучли ички хатти-ҳаракат туфайли содир бўлади, бу ижод қилишда жуда муҳим, жуда қизиқарлидир. Санъатнинг қиммати, унинг маънавий мазмуни билан белгиланади. Шунинг учун мен ўз формуламни бир оз ўзгартириб шундай дейман: саҳнада ҳам жисмоний, ҳам руҳий хатти-ҳаракат қилмоқ керак. Бу билан санъатимизнинг асосларидан бири – саҳна ижодининг ва санъатнинг активлиги ҳамда ҳаракатчанлиги бажарилган бўлади¹ .

Демак, ижрочи ҳеч нарса қилмасдан туриб ҳам у нималарнидир режалаштириши, ўша режа асосида ҳаёлан ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Актёр саҳнадаги ижро пайтида хонанинг бир тарафидан иккинчи тарафига эшик томонга қараб юриб бораёпти. Эшик ортида содир бўлаётган воқеа уни тўхташга ва 4-6 сония пауза қилишга ва тезлик билан ортга чекинишга мажбур қилди. Кейинги саҳна қаҳрамон қочиб кетаяпти ва орқадан зарба тош ёки ўқ келиб елкасига тегади. У секин-аста йиқила бошлайди.

Ушбу ҳаракатнинг мезансценаси 6 босқичдан иборат:

1. Олдинга 3-4 қадам юриш;
2. 4-6 сония тўхталиш;

¹ Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 155.

3. Тезликда ортга чекиниш;
4. Юқори тезликда ортга қочиш;
5. Зарбани қабул қилиш;
6. Эркин йиқилиш.

Ушбу машқ, мезанценани 3 хил тоифада бажариш мумкин:

1. Ҳамма ҳаракатлар режиссёр топшириғи билан бажарилади. Топширик: **ОЛДИНГА** актёр олдинга эшик томонга юради, **ТЎХТАШ** эшик олдида тўхтади, ифодавийлик унинг пластик тасаввурига боғлиқ, пауза 4-10 сониягача бўлиши мумкин, кейинги топширик **ОРҚАГА** актёр тезликда орқага чекинади, **ҚОЧИШ** топшириғидан сўнг актёр қарамай қочади, 2-3 сонияда **ЗАРБА** олиш, зарбани қабул қилиш ва эркин йиқилиш.

2. Саҳнадаги актёр орқа фондан, оркестрдан берилаётган спектакл мазмунидан, ҳолатни ифодаловчи мусиқа остида барча ҳаракатларни бажарадилар.

3. Актёр режиссёр топшириғи билан ҳаракатланар экан пластик ифодавийликка асосланиши, саҳнавий мезансаҳнада партнёрни ҳис қилиш, оралиқ масофани ҳисобга олиш, вақтни, ритмни тўғри қўйиш керак.

Учинчи босқичда актёр ўз ижодий имкониятларини чамалай олиши ва рол устида ишлашда катта эътибор ва кўп меҳнат талаб қилинади.

Актёрнинг саҳнада қилаётган ҳар бир ҳаракати олий мақсадга йўналтирилган, бўлиб, йиқилганидан кейин албатта туришга ҳаракат қилиши, мақсади томон интилиши ҳам маъно ва мантиққа асосланган бўлиши шарт. Актёр эзгу мақсад билан саҳнага чиқар экан, у ўзи ижро қилаётган роли билан орқасидан томошабинни эргаштира олиши керак. Бунинг учун албатта актёрда маҳорат, тажриба ва ўз танаси устида назорат бўлиши зарур.

Актёр саҳнада ҳаракат қилишни билиши шарт: а) турли тезликда, лекин бир хил темпда; б) бир хил тезликда, лекин турли темпда; в) бир хил тезликда, бир хил темпда. Бу ҳаракатлар, турли хил темпо-ритмлар,

мизансаҳнани куришда режиссёрга ҳам актёрга ҳам имкониятлар беради. Бироқ актёр режиссёр белгилаб берган жойда қотиб қолиши ҳам мумкин эмас. Унда актёр сиқикликда ижод қила олмайди. Сиқиклик эса, ролдаги табиийликни йўкотади. Режиссёр мизансаҳнани куришда актёрнинг эркин ҳаракатланишини ҳам инобатга олиши зарур. Актёр ижро пайтида пластика ва вокални уйғунлаштириш муаммосини таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Таъкидлаш жоизки, режиссёрлик ишининг хусусияти (балетмейстер бўлмаган пайтда) вокал номери ҳаракати ичида мантикий ўйланган ва график тўғри, ёрқин мизансаҳнани топиш ва тузишдан иборат бўлади. Агар актёр муваффақиятга эришишни хоҳласа, у ўзининг бўлажак эстрада вокал номери ёки бутун дастури шаклини аниқ хис қилиши керак. Эстрада вокал номерини саҳналаштиришда режиссёр актёрнинг пластик ифодавийлик ишини бир неча босқичга тақсимлаши зарур.

Биринчи босқич тайёргарлик босқичи ҳисобланади. Бу босқичда режиссёр қўшиқчи ёки ижрочининг ҳаракатчанлик, чидамлилиқ, чаққонлик ёки суствликни енга олиш қобилияти, маконни ҳис қилиш, оддий ҳаракатда турли тезликка эга бўлиш, бўғимларни эгилувчанлик сингари ҳаракат–ҳолат қобилиятини тушуниб олиши зарур. Режиссёр бу босқичда актёр, артистнинг аввалги ишларида мавжуд бўлган ва ўрнашиб қолган малака ва кўникмаларини талаб қилиб бўлмайди, аксинча кейинги самарали ва мақсадга мувофиқ ҳамкорлик учун ижодий муҳит яратиш, нотаниш маконда йўл топа олиш қобилияти ва тафаккурини уйғотиш зарур эканлигига ишонтириши лозим. Ижрочи режиссёрнинг кутилмаган кўрсатмаларини тез ва аниқ бажаришга, ёки ностандарт қарорлардан кеча олишга тайёр эканлигини аниқлаб олади. Бу барча ҳислатлар кейинги репетиция жараёнида зарур бўлади. Бунда актёр доимий ўзгариб турадиган эстрада майдонларида ишлашда талаб қилинадиган стандарт ҳаракатларни рад этиши зарур бўлиб қолади.

Асосий босқич – бу режиссёрнинг эстрада номерини сахналаштириш устида бевосита ишлаши ва актёрнинг бу сахна асари доирасида пластик ифодавийлигини ривожлантиришдир. Айнан шу босқичда ижрочининг муסיкавийлик, ритмиклик, координация, шакл, макон ва вақт ҳисси, кузатувчанлик, бадихагўйлик қобилияти, ҳаракатни бўйсундириш кўникмаси, мушакли хотира хусусиятлари зарур бўлади. Бу босқичда тананинг тайёргарлик машқи ижодий жараён соҳасига ўтиш жараёни рўй беради. Г.В.Морозова ўзининг “Спектаклнинг пластик композицияси ҳақида” номли методик қўлланмасидаги тавсияларда таъкидлашича, ҳар қандай мизансаҳна охир оқибатда муסיқа оҳангига ниҳоятда мос қилиб ишлаб чиқилган актёрнинг яхши танланган ифодали жисмоний ҳаракатларидан иборат бўлади.

Ҳар қандай эстрада номери – бу тугал кичик томошадир, вокал номери ҳам бундан мустасно эмас. Қўшиқчининг танаси ва қарашлари орқали берилган мизансаҳнанинг узвийлигини яратиш номер моҳияти ва ижодий вазифасига йўналтирилган ҳаракат ҳисобланади. Режиссёр ёрдамида ва актёрнинг ўз ишларидан кейин барча ҳаракат ва имо-ишоралар топилиб тасдиқлангач, режиссёр аввалдан топилган имо-ишоралар ва мизансаҳналарни кетма-кетликда тузишдек актёр ижрочининг муҳим принципларидан бирига эътибор бериши зарур. Бу “хореографик” кетма-кетлик режиссёр томонидан ўз ҳолига қўйиб қўймаслиги керак. Биринчидан, актёр сахнада бир ўзи эмаслиги, унинг ҳаракатларини аввалдан белгилаб бўлмаслиги туфайли, у бошқа ижрочиларни адаштириб режиссёр томонидан белгиланган тасвирни бузиб қўйиши мумкин. Иккинчидан, аниқ пластик тасвирга амал қилиш интизоми ижрочини эркинлаштиради. У ижрочининг бошқа соҳаларига эътибор қаратиш имкониятига эга бўлиб, сахнанинг қаерида туриш ҳақида йўл-йўлакай қарор қабул қилишдан озод бўлади.

2.2. Эстрада актёрининг касбий фаолиятида пластика

Бугунги кун актёри жуда кўп хусусиятларга эга бўлиши кераклиги кўпчиликка сир эмас. Актёр ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам руҳан кучли бўлиши давр талабига айланган. Актёр сахнада ўз ролини аввало ўзи тушуниши ва шу рол орқали сахнада яшаб томошабинни ишонтира олиши лозим. Бу борада унга олган билимлари ва ўз имконият даражаси ёрдам беради. Актёр айниқса жисмоний имкониятларидан тўғри фойдаланиши жуда муҳимдир. Жисмоний имкониятларига тўғри баҳо бера олган актёрнинг роли шубҳасиз талабга жавоб бера олиши мумкин. Тана ҳаракати хусусан ўз пластикасини мохирона ишлатиш актёр учун жуда муҳим хусусиятдир.

Актёр сахнада ҳаракат қилар экан, у мақсадини амалга оширишда турли ҳолат ва вазиятларга дуч келади. Ана шундай вазиятлардан чиқиб кетиш учун актёрда маҳорат билан бирга пластика ҳам яхши шакллантирилган бўлиши лозим. Актёрнинг сахнадаги етакчи хатти-ҳаракати асосини ритмика ва пластика ташкил этади.

Ритмика - гр. *rhythmicos* –ўлчанган сўзидан олинган бўлиб, муסיқа жўрлигида актёрнинг ички ҳис-туйғулари орқали вужудга келадиган ташқи жисмоний ҳаракатдир. Унда ритмга хос ҳаракатланиш, юриш, мускулларни эркин қўйиш, муסיқага мос ички дунёни ифодалашни тақозо этади. Спектакл, номер мавзусидан келиб чиқиб муסיқа танланади. Бу жанр кўпроқ опера ва балет театрларида қўлланилади.

Пластика – ўзи нима?

Пластика – тананинг мулойим ва нафис ҳаракатлари ҳамда шундай ҳаракатлар санъати. Актёр ёки актрисанинг сахнада нозик ва назокатли ҳаракат қилиши, эгилувчанлик, образ характерида келиб чиқиб юриш-туриш, салом бериш, хайрлашишгача бўлган оддий кўринган ҳаракатларда ҳам пластиканинг ўрни бор. Актёрнинг тана ҳаракати унинг асосий қуроли

эканлигини унутмаслиги лозим ва бу ҳақда таниқли театр арбоби Михаил Чехов “Актёрнинг йўли” китобида пластикага қуйидагича таъриф беради:

“Шундай актёрлар бўладики, ўз ролларини чуқур тушунадилар, аммо сахнада томошабинга ўз кечинмаларини тўлиғича кўрсата олмай қийналадилар. Уларнинг ички ҳиссиётлари ўз таналарини нотўғри бошқарганликлари сабаб очилмай қолади... Ҳар қандай актёр ўз танаси билан қарама-қаршиликларга дуч келади. Жисмоний ҳаракатлар устида ишлаш керак, лекин ҳозирги одатий театр мактабларидаги машқлар каби эмас... Улар тананинг руҳий кечинмаларни кўрсатишига баъзан ҳалал беради. Машқларнинг меъёридан ошиб кетиши танага салбий таъсир кўрсатади, актёрни ички ҳиссиётларни бера олмайдиган, қўпол кўринишга келишига сабаб бўлади. Актёр танаси ва ички ҳиссиётлари ўзаро ҳамоҳангликда, тенгма-тенг ривожланишлари лозим”¹

Ёки бўлмаса, К. С. Станиславскийнинг “Актёрнинг ўз устида ишлаш” китобида мускулларни бўшатиш ҳақида кенг мулоҳазали қилиб ёритилган: “...Сиз ижодий процессда мускулларнинг тортишиши ва гавда сиқиклигининг қанчалик зарар келтиришини кўз олдингизга келтиролмайсиз. Булар овоз органида пайдо бўлганида ажойиб овозга эга бўлган кишилар ҳам хириллай бошлайдилар, бўғиладилар ёки гапириш қобилятини йўқотишгача бориб етадилар; сиқиклик оёқларда пайдо бўлса, актёр шол бўлган одамга ўхшаб қолади; агар қўлларда пайдо бўлса, улар қотиб тахтакачга айланади ва шлагбаум сингари кўтарилиб тушаверади. Бундай сиқикликлар ва улардан келиб чиқадиган бутун оқибат умуртқада, бўйинда ва елкада ҳам бўлади. Улар ҳар сафар артистни ўзига хос тарзда майиб қилади ва ўйнашга ҳалақит беради. Ҳаммадан ёмони шундаки, сиқиклик юзда пайдо бўлса, уни бузади, мимикани қотириб қўяди ва ишдан чиқаради. У вақтда кўзлар косасидан чиққудек бўлади, юз мускулларининг тортишиши юзни хунуклаштиради-да, натижада артист туйғусига мос келмайдиган ҳолатни акс эттиради.

¹ Чехов М. Пут актёра. –Москва: «ТРАНЗИТКНИГА», 2006. – Б. 62.

Сиқиқлик нафас олиш процессида қатнашаётган диафрагма ва бўлак мускулларда пайдо бўлганида, бу процессни бузиши ва ҳарсиллатиши мумкин. Булар кечинмага, кечинманинг ташқи ифодасига ва артистнинг умумий ҳолатига зарар кўрсатмай қолмайди.

Жисмоний сиқиқлик бутун фаолиятимизни, активликни қандай тўхтатиб қўйишини, мускулларнинг тортишиб туриши одамнинг психик ҳаётини боғлаб қўйишини кўриб, ишонч ҳосилни истайсизми?....¹ Ўқитувчи ўқувчилари билан худди шу вазиятни текшириб кўришди. Бир ўқувчига синф хонада турган роялни кўтаришни буюради ва шу ҳолатда саволларга жавоб беришини сўрайди. Талаба роялни ерга қўйиб жавоб беради. Хўш, талаба нима учун оғир буюмни кўтариб туриб жавоб бера олмади. Чунки унинг мускуллари таранглашган сиқиқ ҳолатда эди. Шунинг учун у фикрлай олмасди. Инсон мускулларини, тана аъзоларини қанчалик бўш қўйса, у шунчалик енгил хатти-ҳаракат қила олади. Биз кун давомида асабийлашамиз, хавотирланамиз, нимадандир хижолат чекамиз. Ана шу пайтда киши тўғри фикрлашдан, вазиятни холис баҳолашдан чекиниб қолади. Бундай қотиб қолишдан қутилиш учун нима қилишимиз керак? Бунинг учун ўзимизда “контрол” яъни “назорат” ҳиссини шакллантириш лозим. У бизни асаблар таранглигидан, мускуллар сиқиқлигидан халос бўлишимизга ёрдам беради. Актёрда бу ҳолат тез-тез кузатилади. Чунки, у ҳаётдаги ташвишларини унутиб сахнадаги ролида яшаши, томошабинни ишонтира олиши зарур. Актёрнинг сахнада эркин ижод қилиш учун доим ўзини назарот қилиши, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши талаб қилинади. Мускулларни бўшатиш, эркинликка эришиш учун диққатни бир жойга тўплаш мақсадга мувофиқ. Энг аввало киши диққатини жамлашга бирон буюмга қараши, сўнгра қалб эркинлигига эришмоғи лозим. Актёр ўз устида тинимсиз ишлаши натижасида ўзига нисбатан қатъий ирода ва ишонч пайдо бўлади. Бу эса сахнадаги ҳаётида ролни ишонарли ва таъсирчан чиқишига имкониятларни яратади.

¹ Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 155.

Актёрнинг тана ҳаракатларидаги эркинлик образнинг характери янада тушунарли аниқ қилиб очиб беради.

Айни вақт ўзбек театри сахнасида ушбу қоидаларга қанчалик амал қилинаяпти?

Актёрлар ўз пластик имкониятларидан қандай фойдаланишмоқда? Бу саволларга республикамызда фаолият олиб бораётган театр жамоалари мисолида жавоб беришимиз мумкин.

Пластика ҳаётда ҳар қадамда, юриш-туришимизда ва хатти-ҳаракатимизда учрайди. Пластика турларига қўл пластикаси, оёқ пластикаси, юз, пластикаси, кўз пластикаси, тана пластикаси киради. Нафақат актёр ёки актрисанинг, балки ҳар бир мавжудотнинг ана шундай пластикаси бор. Пластика санъатда муҳим роль ўйнайди. Санъаткор бўламан деган кишидан пластика санъати жуда катта масъулият ва изланиш талаб қилади. Ҳозирда актёрларимизнинг кўпчилиги ўз устида ишламаслиги, ижодий изланиш камлигидан бир хил, такрорий роллар кўпайиб кетганини кузатиш мумкин. Кўпчилик актёрларда Чехов айтганидек, жисмоний бузилиш ҳолатини кўриш мумкин. Фақат машқларнинг ҳаддан оширилиб юборилишидан эмас, аксинча жисмоний ҳаракатлар устида ишланмаганлигидан. Баъзи актёрлар 40 ёшга чиқмасдан, “қорин” қўйиб юборишади. Оқибатда улар ёш образларни гавлантира олмайдилар, жанговар сахналарда ортиқча вазн билан эркин ҳаракат қилолмайди. Бу уларнинг жисмоний жиҳатдан пластик спектаклларга тайёр эмасликларидан далолат беради. Агар мускулларни бўшатиб, ички ва ташки диққатни бир жойга жамламаса роль ишонарли ва табиий чиқмаслиги тайин. Улар бу ҳолатда ишашса ҳам сахнада пластик кўринишларни амалга ошира олишмайди, бу фақат комик эффект бериши мумкин ҳолос.

Актёр пластикасидан моҳирона фойдаланадиган театрлар қаторига Республика ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон ёшлар театри (бадий раҳбар Н.Абдурахмонов), оперетта театрларини киритишимиз мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон ёшлар театри актёр, актрисалари пластик ҳаракатларидан ташкил топган кўпгина спектакллар сахналаштирилган. Бадиий раҳбар Н. Абдурахмонов актёр сўздан кам фойдаланган ҳолда, актёр хатти-ҳаракатига, пластикасига кўпроқ эътибор беради. Булар ракс, турли акроботик машқлар, гимнастик ҳаракатлар каби.

Республика ёш томошабинлар театрида ҳам ижодий ишлар давом этмоқда. Болалар учун қўйилган эртак спектакллар актёрларни ўз устиларида ишлашга мажбур қилади. Чунки эртак қаҳрамонларини жонлантириш, уларга ўхшаб ҳаракат қилиш учун ортиқча вазн, мускуллардаги таранглик, ҳаракатлантирувчи бўғимларнинг қотиб қолиши ҳалал беради. Бунинг учун албатта доимий жисмоний машқлар, тренинглар ўтказилиб туриши, ҳар бир актёр ўз пластикаси устида иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Ҳамма актёрлар ҳам ҳар доим ўзини назорат қилиб тура олмайдилар. Балки, вақтлари йўқдир, балки, хоҳишлари. Бизнингча, хоҳишлари бўлмаса керак, жисмоний машқларга вақт йўқ, деб баҳона қилишади. Ҳар соҳадан мукамалликни талаб қилинаётган бир пайтда яъни ХХІ аср актёри ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши, ҳар жиҳатдан ўзини кўрсата олиши яъни профессионаллигини намоиш этиши бугунги кун талаби бўлган бир паллада ушбу ҳолат кайфиятни биров тушириб юборади.

Хўш муаммони қандай бартараф этиш мумкин?

Аввало актёрлар ўз формаларини ушлаб туришни мунтазам равишда назорат қилиш керак. Профессионал актёрга айланиш учун асосий омил ҳам айнан ўз устида мунтазам ишлашлиқдир. Иқтидорли ёшлар учун театр қошида студиялар ташкил этиш ҳам муаммонинг ечилишига олиб келиши мумкин. Бу борада “Дийдор” театр-студияси, “Илҳом” театри ва Республика ёшлар театри олиб борган йўналишни мисол қилиб олиш ва тўғри деб баҳолаш мумкин. Ушбу театр студияларидан етишиб чиққан актёрлар пластик имкониятларидан тўғри фойдаланадилар ва театр сахналаридаги спектаклларда бунинг исботини кўриш мумкин. Юқорида

келтирилган театрлар спектаклларининг томошавийлиги кучли, томошабин актёрнинг сахнада бажарган пластик ҳаракатлари, рақслари, акробатик услубларни қўллашидан хайратга тушади. Актёрларнинг пластикалари, жисмоний ҳолатларига тасанно айтади. Бошқа театрлар ҳам бундан ўрнатқали олишса арзийди. Пластик ҳаракатларга бой спектакль узок вақт ишланиши, театр репертуаридан ўрин олганидан кейин ҳам доимий равишда “прогон” қилиниб туриши талаб этилади. Балки театрлардаги актёрларнинг бошқа ишлар билан бандликлари спектаклни мунтазам “прогон” қилиб турилмаслигига сабаб бўлар. Агар аҳамият берилса ушбу театрлар спектакллар жанг сахналари ҳам асосан ташқи эффектлар (чирок, мусика) воситасида очиб берилади, икки актёрнинг ўзаро сахнадаги жангида ҳам премитивлик (ҳаракатларнинг соддалиги) сезилиб қолади. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун ҳам актёр ўз жисмоний ҳолати устида мунтазам ишлаб туриши керак. Кўплаб театр танқидчилари баъзи актёрларнинг интеллектуал жиҳатидан ўз устиларида ишламасликда, хусусан китобларни кам ўқишликда, ролнинг олий мақсадини тушунмай туриб ижро қилишликда айблашади. Энди бу айбловлар сафига актёр қахрамони жисмоний ҳолатини ҳам яхши англамаётганлигини қўшиб қўйишга тўғри келмоқда.

Хатоларни тўғрилаш ҳеч қачон кеч бўлмаган. Бунинг учун албатта, актёрнинг ўз устида ишлаши, пластика актёрнинг ҳаракатланиш асоси эканлигини унутмаслик лозим. Пластиканинг актёр ижодий фаолиятидаги ўрни ниҳоятда катта. Бўлгуси актёрларда тана эркинлигига эришиш, пластик элементларни шакллантиришда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти педагоглари кенг кўламдаги ишларни амалга оширадилар. Бу ишлар самараси ўлароқ сўнгги йилларда турли фестивалларда ютуқларни қўлга киритган пластик ҳаракатларга моноспектаклларнинг талабалар томонидан сахналаштирилганини айтиш мумкин. “Шинель”, “Искандар”, “Широк” каби талаба-режиссёрлар сахналаштирган спектакллардаги актёр ижросида пластика элементлар

асосига қурилган спектакл томошаларни кўриш мумкин. Талабалик даврида пластик маҳоратларин шакллантира олган талабаларимиз институтни тамомлаб, катта сахнага йўл олганларида, пластикасини йўқотиб қўядилар. Баъзилар ортиқча вазн тўплайдилар, ўз жисмоний формаларини йўқота бошлайдилар. Бу эса сахнада жиддий муаммо - томошабинни ишонтира олмаслик, трагик вазиятда кулгу, комик эпизодда эса ачинарли (фожеавий) эффектни тақдим қилади. Ушбу масалани ечиш учун актёрлар пластиканинг рол устида ишлашдаги аҳамиятининг муҳим сифат эканлигини ёдда сақлашлари керак.

Шу ўрнида юқорида айтганимиздек, Михаил Чеховнинг пластика ҳақидаги гапларини таъкидламоқчиман, “Актёр танаси унинг энг яқин дўсти ва айни вақтда энг хавфли душманидир”.

Актёрлар жисмоний имкониятларини яхшилаган ҳолда, руҳият ва тана уйғунлигига эришади ва М.Чехов таъкидлаган биринчи жумла яъниким “Танасини энг яхши дўстига айлантириши” лозим. Акс ҳолда нафақат турли штамплар, декламация, сахна маданиятига зид ҳаракатлар каби нуқсонларга балки, жисмоний машқлардан тўхтаб қолган танасига ҳам қарши курашишишга тўғри келади.

Актёрнинг ижодида мушаклар эркинлиги асосий омиллардан биридир. Мушаклар эркинлиги деб актёр сахнада турли вазифалар бажараётган пайтида унинг табиийлиги тушунилади. Бу омил учга бўлинади:

1. Жисмоний аппарат - мушакнинг яхши тайёргарлиги (ҳаракатчанлиги, чиниққанлиги-физик омил).

2. Берилган шарт-шароитда ҳатти-ҳаракатнинг органиклиги – психологик омил.

3. Махсус индивидуал ўзига хослик – тормозланиш, уйғоқлик, журъат, тортинчоқлик, уятчанлик, ўзига ишонч, асабийлашиш, тарқоқлик, жўшқинликдек хусусиятлар ҳамма вақт ҳам тутқич бермайдиган ҳиссиётлардир.

Бу хусусиятларнинг сахнадаги актёрда пайдо бўлиши жуда фойдали. Юқорида айтилган омиллар бўлганида ҳам мушаклар эркинлигига таъсир этади ва ижодий жараёни унумли ёки аксинча тормозланиш пайдо қилади. Актёр сахнада рол ижро этаётган паллада унинг ҳаракатлари ҳар-хил бўлиниши табиий ва кўпинча актёрлар ҳаётда бажариш мумкин бўлган ҳаракатларга мурожат қилишади. Органик ҳаракат қилувчи актёр бундай ҳолатда тўғри ҳаракат қилиши мумкин, лекин агар тарихий пьеса ва рол билан юзма-юз келиб, ўртача пластик ҳаракатлар, ритмлар, шакл ва давр нуқтаи-назари, олдиндан таниш бўлмаган малакалар талаб қилинса актёрлар довдираб, мушаклар тормозланиши пайдо бўлади ва замонавий асарда сезилган мушаклар эркинлиги тарихий асарда қотиб қолишга айланади. Токи актёр образ яратишдаги темпо-ритм ҳаракат ва махсус малакалар билан қуролланмас экан, уни берилган шарт-шароитдаги ҳеч қандай органик ҳатти-ҳаракат ва темперамент қутқара олмайди.

Баъзида биз назарга илмайдиган мушаклар эркинлиги актёр рол ижро этаётган пайтда биз юқорида айтиб ўтган уч омилнинг гармоник алоқасини таъминлайди. Айтиб ўтганимизнинг ҳатто, бирортасининг тўлақонли қўлланилмай қолиши ижодий жараёнга салбий таъсир қилиши мумкин.

Кўп ҳолларда мушаклар эркинлиги психик омил (фактор) – актёр ҳатти –ҳаракатининг органик эмаслиги билан тушунтирилади. Баъзи ҳолларда эса, мушаклар қотиб қолиши актёрнинг физик тайёргарсизлиги, унинг индивидуал мойиллиги, ўзига хос хусусиятлари ва табиатининг ижодий жараёнда физик аппаратларга фаол қўшилишидандир.

Баъзи бир актёрлар стол атрофидаги репитицияларга қарахтланиб иш бошлашади, уларнинг ҳаракати сахнага кўчгандан кейин жонланиб, кенг масштабли режиссёр талаб қилган даражада бўлади. Бошқалари эса стол атрофида ўзларини эркин сезишади, мушаклар ҳаракати кучини, камер ҳолатга мослашади, сахнага чиққанда эса, сахна масштабидан

чўчий бошлайдилар яъни, яхши маънодаги ҳаракат ифодавийлигини назарда тутилади. Педагог - режиссёрнинг вазифаси актёр табиатини билиш ва унга шу табиатнинг ижод асосини ўргатиш, ҳар қандай алоҳида ижобий ҳиссиётига таъсир қилишдир.

Мушаклар эркинлиги ҳақида сўз кетар экан, баъзида педагоглар талабага аниқ уқтиришмайдики, мушаклар эркинлиги бу тамоман бўшашиб ижод қилиш эмас, балки, ички ва ташқи диққатни жамлаш, мақсадни аниқ баҳолай олиш ва белгилаш зарур. Акс ҳолда актёрнинг ижодий имконияти юзага чиқмай аниқ вазифа берилганда гавда сиқиклиги пайдо бўлади. Бўшлиқ ва сиқиклик даражаси ҳаракат асосини ташкил этиб ижодий жараёнда мушаклар эркинлиги даражасини белгилайди. Актёрнинг мушаклар эркинлиги унинг пластик тайёргарлигига боғлиқдир. Ҳеч иккиланишсиз айта оламизки, бу актёрнинг иқтидорига боғлиқ. Табиий ритмни ҳис қилиш, ҳаракат эркинлиги, ҳамоҳангликни ҳис қилиш ва шакл қийинчилик туғдириб, бутун пластик тайёргарлигини шунчаки қўллашга олиб келади.

Актёр пластик тарбиясини қандай тушунса бўлади?

Биринчи ўринда актёр пластик тарбияланиши психофизик ҳолатни ўзлаштириши ва турли малакага эга бўлиши билан белгиланади. Замонавий актёр кенг диапазонга эга бўлиши, пластик маданиятини белгилайдиган ҳамма жабҳаларни эгаллаши лозим. Физик ривожланишни ҳамоҳанглиги машқ ва бутун гавда қисмларининг серҳаракатлиги актёр техникаси асосида ривожланади. Табиийки, актёрни ҳамма малакаларини ўрганишга мажбур қилиш мумкин эмас, лекин керакли малакани, ҳаракат техникасини тез ўрганишга ўргатиш жуда ҳам муҳимдир. Секин ва тез ҳаракат қилишни билиш узлуксиз номунтазам, тўлқинсимон ва тез-тез, даврасимон ва бурчак, йўналиш ўзгартиришни билиш, темп, ритм, ҳаракат ранго-ранглиги, жуда секин ҳаракатдан моҳирлик билан жуда тез ҳаракатга ўтиш, бу сахнада ҳаракат қилаётган актёрнинг келгуси тақдирини ҳал қилади.

Актёрни пластик тарбиялашда, унинг ташқи техникасини ривожлантиришда катта рол ўйнайдиган омил бу жисмоний маданиятдир. Гимнастика, акробатика, енгил атлетика, чанги спортидек спорт ўйинлари актёр жисмоний маданияти ривожланишининг манбаи ҳисобланади. Масалан, теннис ва баскетболни олайлик: бу ўйинлар диққат, эгилувчанлик, чидамлилиқ, координация, чаққонлик, сезгирлик, тезлик, тезлик ва ритмнинг алмашуви реакция ва кутилмаганда ҳаракат партнёрни ҳис қилиш, эркинлик ва ўзгармас курашнинг турлари, ҳаттоки баъзи бир актёрларимизда ижод жараёнидаги ҳис-ҳаяжон қўзғалган пайтида эркин энергияли ҳаракатларнинг ривожланишида энг асосий манба эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Шу ўринда таниқли актёр, Муқимий номидаги мусиқали театр раҳбари, Ўзбекистонда халқ артисти Мурод Ражабов ва Ёдгор Саъдиев тажрибаларига мурожаат қилмоқчимиз:

“Мен велоспорт билан шуғулланиб образларимда ҳоҳ янги спектакл бўлсин, (“Ёш гвардия” театрида ишлаб юрган пайтлари ҳақида сўз бормоқда) ҳоҳ эскиси, ҳар куни янгича тайёргарлик билан келишни, сахнада яратишим керак бўлган руҳни шу спорт элементлари туфайли амалга оширардим, биринчидан, мушакларим хотираси уйғонарди, иккинчидан ҳар сафар менга таниш бўлмаган энергия пайдо бўларди”.¹

Иккинчи мисол “Еттинчи ўқ” фильмини ҳаммамиз севиб томоша қилганмиз. Ёдгор Саъдиевнинг отда ўтиришлари қарашларида хужумкорлик, қўл ҳаракатларининг рол мақсадига мувофиқлиги, қадам ташлашларининг залворлилиги албатта, у узоқ шуғулланган футбол спорти туфайлилиги яққол кўринади.

Спорт билан шуғулланиш ҳар бир соҳа учун, инсоннинг фаол ҳаракат қилиши учун муҳим омил саналади. Албатта санъаткорлар учун ҳам, спорт актёрларнинг ижодий фаолиятида асосий ўринда туриш зарур. Чунки, жисмоний ҳаракат ортиқча вазн тўплашдан, мушакларнинг

¹ М.Ражабов билан бўлган суҳбатдан. –Тошкент: Театр журнали. 2012. №1.

тортишиб қолишидан, ланжлик ва кайфиятсизликдан сақлайди. Бу борада режиссёр Мейерхольднинг теннис спорти ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашсак: “...бу ўйин актёр учун қандай муҳим. Ҳар томонлама жисмоний ривож ҳақида гапирмайман, у актёрни партнёр билан муносабатини ўткирлайди. Тенниснинг ритм алмашув жараёнлари, хужумни йўқ қилувчи алдовлари, ҳимоялари ва темпо–ритм алмашувлари, сахнада актёрнинг идеал тарзидаги ижроси ва актёрнинг диалог қилиш, аналогик сўз кураши, таъсир қилиш кучини кучайтириб ритм ҳар хиллигига етказди. Худди қиличбозликка ўхшаб теннис ҳам актёр дидини ошириб, занжирга ўхшаб ҳаракатларининг бир-бирини тўлдириш, партнёр ҳаракатидан келиб чиқиб ҳаракат қилишдек касбнинг энг муҳим томонларига ёрдам беради. Теннис тўрининг ҳаракати теннисчининг актив ҳаракатлари орқали ўзгаради, актёрнинг сахнадаги оддийгина қўл ҳаракатидан партнёр ўзгариши каби...”¹

Яна бир буюк режиссёр К.С.Станиславский фикрлари ҳам спортнинг актёр учун қанчалик зарурлигини таъкидлаб ўтган: “Бизга бақувват, кучли, ривожланган ҳеч қандай камчиликсиз сахнага муносиб гавда керак. Агар тузатиб бўладиган камчиликлар бўлса, гимнастика уларни тузатиши лозим. Биз гавда тарбиясини гимнастика синфи дарслари ҳайкалтарошлик санъатига ҳавола қиламиз. Ҳайкалтарош чиройли, тўғри ривожланган, ўзи мўлжаллаган санъат асарини қидирганидек, гимнастика ўқитувчиси бу натижага тирик гавда билан етиши лозим. Бунинг идеал қийинчилиги йўқ. Бажариш шарт холос. Бундан мустасно акробатика бошқа хизматни бажаради. Ўтириш, туриш, бурилиш, югурганда, қийин ва тез ҳаракатлар бажаришда у сизга тез қабул қилиш, чаққонлик, серҳаракатликни таъминлайди. Сиз тез ритм ва темпда ҳаракат қилишга ўрганасиз бу эса яхши машқ қилган, чиниққан гавданинг махсули”²

¹ Сайфуллаев Б, Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: “Фан ва технология”, 2012. - Б. 175-177.

² Станиславский К.С.. Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 155.

Мана шу ўринда Ўзбек Миллий академик драма театрининг ёш актрисаларидан бири Шодия Тўхтаевадаги пластик ҳаракатлар ҳақида гапириб ўтиш жоиз деб топдик. Актриса ижросидаги одам савдоси ҳақида ҳикоя қилувчи “Огоҳ бўлинг одамлар” (реж: В. Умаров) спектаклида чигал арқонлар билан ишлаши яъни тўрсимон ўргимчак инидан кутулишга бўлган ҳаракатлари қаҳрамон мақсадини аниқ ифодалаган. Арқонлардан чиқиш учун кўп ҳаракат қилади, унинг орасида терговчига бўлган воқеани сўзлаб беради. Муаллиф белгилаб берган шарт-шароитда актрисанинг аниқ хатти-ҳаракати, ички ва ташқи ҳис-туйғуни уйғунлаштира олгани сўзлаш давомида чарчокни сездирмайди. Бу гимнастикада ленталар билан ҳаракатланишга ўхшайди.

Актёрнинг пластик ифодавийлиги ҳақида сўз кетар экан, кейинги омиллар ҳақида ҳам сўз юритиш айти муддаодир:

1. Актёр ишлаётган театрда аниқлик ва ифодавийлик талаб қилинса ўшанда актёр ўзини формада сезади ва сақлайди;

2. Актёрнинг пластик ифодавийлиги спектакл ғояси, жанри, пластик ва ритмик ечимига боғлиқ;

3. Қайсики театрда режиссёр ижод вазифаси ечимида, сўз ҳаракатини образнинг бош ечимига айлантирса актёр ифодавийлиги кучсизга айланади.

Актёр ижодининг асоси – ҳаракат ҳақида гапирар эканмиз, энг асосий омил – актёрнинг томошабинга таъсир ўтказишини доимо ёдда тутиш.

Актёр ҳаракат қилмоқда, жисмонан эркин, лекин унинг ҳамма ҳис-ҳаяжони тўсиқ ичида сўз хатти-ҳаракатлари эса тарқоқ, ифодавийсиз, натижада улар томошабинга етиб бормайди. Санъат – ҳамиша маънавий тарғиботчиси бўлган. У томошабинларга ҳаётни ўрганишда, атрофидагилар билан муносабатга киришишда кўмакчи вазифасини бажаради. Актёр эса мана шу вазифаларни хатти-ҳаракат орқали томошабинга етказувчи ижод соҳиби бўлса, театр бу икки шахс ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Бундай ҳолатда энг асосий омил томошабинга

таъсир ўтказиш содир бўлмайди. Ижодий изланиш тўхтаб қолган бўлади. Бу эса эндигина театрларга қайтган томошабинларни ихлосини чўктириб қўйиши, санъатга бўлган қизиқишларини сўндириб қўйиши мумкин. Ва энг асосийси “САНЪАТ” - деб аталган илоҳий мўъжизани жозибаси йўқолишига олиб келади.

II-боб бўйича хулоса

Пластика актёр ижодида шундай муҳим аҳамиятга эга экан, пластик ифодани ривожлантирувчи, мукаммаллаштирувчи машқлар билан актёр мунтазам шуғулланиши лозим. Бундан ташқари, “Актёрнинг формаси” деган тушунча ҳам борки, унга актёрнинг хатти-ҳаракатга бойлиги, комати, ортиқча вазнлардан сақланиши, нутқининг равлонлиги, жисмоний имкониятларнинг образдаги ифодалари мужассамлашгани киради.

Актёр ижодкор сифатида муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни вужудга сингдириши ва айнан пластик ифодалар билан муаллиф фикрини тўлдириш мумкин. Актёрлик соҳасидаги адабиётлар ва устозларнинг ўғитларидан бизга маълумки, қачонки, онг билан тананинг боғлиқлиги топилса, қаҳрамоннинг нозик психологик туйғулари ҳам тўлалигича томошабинга етиб боради. Образ актёр ўзига хос бўлган юз мимикасидан, хатти-ҳаракатидан, қўл, оёқ ҳаракатларидан чекланган ҳолда яратилади. Қаҳрамоннинг дунёқараши, яшаган даври, психологияси ва касбидан келиб чиқиб, яъни уни бир бутун, яхлит тарзда намоён эта олса, шундагина бундай образни мукамал дейиш мумкин. Мулоҳазаларимизни машҳур рус актёри И.Ильинский Хлестаков образи ҳақида шундай деган эди: “Биз бу қаҳрамонни кузатар эканмиз, хатоликка йўл қўйишимиз мумкин эмас, хоҳ у хўрозга ўхшаб юрсин, унинг оёқларидан ички кўркувни ҳис қилиб туришимиз керак. Ҳатто, бу қаҳрамонни кичик театрда кўрган томошабин ҳам унинг оёқларидан Хлестаков эканлигини билсин”¹.

Демак, муаллиф тасвирлаган персонажнинг хатти-ҳаракатига қўшимча қиладиган, унинг мақсадга йўналтирилган ҳаракатларига мос

¹ Рашидов Т. Актёрлик маҳорати (Эстрада санъати), - Т.: ЎзДСМИ, 2013. – Б. 22.

бўлган қилиқ ва ҳаракатлар топиш актёрдан катта изланиш ва кузатувларни талаб қилади. Эстрада санъатида меъёрни унутмаслик керак. Чунки эстрадада хоҳ у юмор бўлсин, хоҳ у сатира мувозанат бўлмоғи шарт. Шундагина актёр муаллиф белгилаган жанрга мос бўлмаган ҳаракатлар қилишдан тийилади. Меъёрдан ошиб кетиши енгил-елпи, бачканаликка асос бўлади.

III БОБ. ЭСТРАДА АКТЁРИНИНГ ПЛАСТИК ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРУВЧИ КАСБИЙ ОМИЛЛАР

3.1. Саҳна ҳаракати ва жанги фани эстрада актёри маҳоратини оширишда муҳим омил сифатида

Саҳнада санъаткорнинг ҳаракат маданиятини ўзида мужассамлаштирадиган омиллардан яна бир энг муҳими, “Саҳна жанги” санъати билан боғлиқ машғулотлар бўлиб, бу эстрада актёрнинг ижодий шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Республика саҳналарида бу соҳа билан боғлиқ ишларни амалга оширишда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Саҳна ҳаракати” кафедраси йўлбошчилардан саналади. Кафедра педагоглари томонидан ўтиладиган “Саҳна жанги”, “Ракс”, “Ритмика”, “Пластика”, “Пантомима” машғулотлари саҳнада актёрларнинг турли хил қуролларда яккама-якка ёки кўпчилик билан олиб бораётган жанги ҳатти-ҳаракатларнинг йиғинди маҳсули дейиш мумкин.

Бу машғулотлар бўлажак эстрада актёр ижодида муҳим ўринга эга. Рол ва образларнинг пластик ифодаси актёрлик маҳоратида характер яратишнинг асосий омилидир. Образ ва ролларнинг пластик ечими тана табиати, саҳна санъатининг барча турлари учун пойдевори ҳисобланади. Саҳнада ҳаракат қилишни ўргатувчи фанлар узвий алоқада бўлган ушбу машғулотлар талабаларнинг ҳаракат имкониятларини аниқлаш ва фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, актёр тана эркинлигини таъминлайди. Ҳар бир халқнинг ривожланиш даври, ҳар бир даврнинг ўзига хос қаҳрамонлари бўлган. Бу қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига яраша характерга эга. Актёрлар ижросида ҳатти – ҳаракат характер яратишнинг энг муҳим омилидир. Қаҳрамоннинг ҳатти – ҳаракатли ифодаси томошабин учун саҳна санъатининг барча турлари учун умумий асос ҳисобланади.

“Саҳна ҳаракати”, “Саҳна жанги”, “Пластика”, “Пантомима”, “Ракс” фанлари ўз олдида бўлажак актёр ва режиссёрларга саҳнада ишлатиш учун

керак бўлган барча ҳаракатлар техникаси, инсонни ҳаракатга келтирувчи барча аппарат, тана аъзоларини, мушакларни умумий ва якка ҳолда эркин ишлатишликка, ўзидаги жисмоний камчиликларни йўқ қилишга, талабаларни ихтиёрий, табиий ҳаракат қилишга, шу билан бирга жозибали ҳаракатлар билан, берилган шарт-шароитларда ўз ўрнини топиб, ишлата билишга ўргатади.

Саҳна жанги асарнинг муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёрнинг талқинига асосланган бўлиб, қатнашувчиларнинг ўзаро муносабатларини, актёрларнинг образ яратиши натижасида амалга оширилади. Бундай жанг шартли ҳисобланади.

Ҳақиқий жангда жангчи қуролини шундай ишлатадики, қисқа вақт ичида турли усуллар билан ўзи яраланмаган ҳолда душманини мағлуб қилади.

Саҳна жангида эса “рақиблар” ўзаро ростакам жанг қилмасдан, ҳамкасб сифатида шартли равишда жанг қиладилар. Саҳнада улар бир-бирларини ўлдиришга ҳаракат қилмай аксинча, ўзаро ёрдам берадилар. Асар воқеасидан келиб чиқиб, қиличбозликнинг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда, бир-бирларига шикаст етказмасликка ҳаракат қиладилар. Ижрочилар саҳнага чиқишдан олдин кулисда жангни бир неча бор такрорлаб, сўнг саҳнада саҳналаштирувчи режиссёрнинг режалаштирган “жанг” шаклини, актёрлик маҳоратини ишга солган ҳолда уни ишонарли ва жозибали қилиб ижро этадилар.

Саҳна “жанги” вақтида “рақиблар” томонидан тасодифий хатти-ҳаракатлар қилиш мутлақо ман этилади. Жанг қилувчилар умумий бир ритмга бўйсунадилар ва уни ёрқинроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ёрқинроқ деганда, саҳнада бажарилаётган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг барчаси, саҳнадаги иккинчи актёрга тушунарли ҳолда ва томошабинларга кўринарли бўлишини тушунилади.

Шартли равишдаги саҳна “жанги”да алдовчи хатти-ҳаракатлардан, партнёр ва томошабинни чалғитадиган ҳолатлардан воз кечиш керак.

Спектакл орасидаги “жанг”нинг вақт жиҳатидан давом этиши, муддати меъёрида бўлмоғи, айниқса, унинг тугалланиш қисми аниқ ва ифодали бўлмоғи керак.

“Ҳозирги театрларимиз саҳналарида тарихий спектакллар саҳналаштириш жараёнида баъзи жузъий хатолар ҳам учраб туради. Масалан, тарихий асарларда қурол-яроғ билан ичкарига – шоҳ ҳузурига кириб бўлмайди. Плаш ва бош кийимлар ташқарида ечиб қолдирилади. Ёлғиз севги изҳор қилинадиган саҳналарда этик пошнасидаги отларни ниқталайдиган темир ғилдиракчаларини (шпоры) жаранглатиб юрилади. Муқаддас ҳисобланган (қилич, ханжар, найза) қуролларини эса ҳар ерга ташлаб қўймайдилар. Юқорида айтиб ўтилган камчиликларнинг барчаси “XV - XVIII аср кишисининг ахлоқий қонун-қоидаларига, урф-одатларига хос бўлмаган ҳолдир”¹.

Эстрада актёри ўйнаётган тарихий асарда шу даврнинг архитектурасини, инсонларнинг яшаш тарзини, урф-одатларини ва қурол-яроғ ишлатиш қонун-қоидаларини яхши билсагина яратаётган образи янада ишонарли бўлади.

Қиличбозлик билан шуғулланувчи бўлажак актёрнинг хатти-ҳаракатларини такомиллаштирувчи омиллар – куч, чидамлилик, тезлик, эпчиллик каби пластик ифодавийлигига боғлиқ.

Такомиллаштиришнинг асосида тезлик, эпчиллик, чидамлилик, онгли равишда амалга оширилиши билан бирга, аниқликни, ритмлар ўзгаришини, қўллар билан қилинадиган маъноли хатти-ҳаракатларни гўзаллик даражасига олиб чиқишни, партнёрни ҳар доим сезиб туриш қобилиятларини барча хатти-ҳаракатлар билан унинг ички дунёсини оча билишлик каби энг зарур тамойиллар ётади. Пластикада даврларга оид саломлашиш, аёлларни рақсга таклиф этиш, зиёли давраларда ўзини тутиш, маскарадларда ниқоблар билан ишлаш техникаларини эгаллашда эстрада актёрлардан тарихий адабиётлар билан ишлашга ундайди. Шунинг

¹ Исмоилов А. Саҳна ҳаракати (қиличбозлик). –Тошкент: 2007.

учун ҳам санъат олийгоҳларида, билим юртларида актёр маҳоратини такомиллаштириш биринчи ўринга қўйилиб, келажакда ундан етук актёр бўлиб чиқишига ҳар томонлама ёрдам берилади.

Дарҳақиқат, бўлажак санъаткорнинг жисмоний ва пластик камолга етишувида спортнинг турли соҳаларида чиниқишнинг аҳамияти шубҳасиздир. Шу билан бирга актёрнинг пластик ҳаракати эса унинг муҳим ифода воситаларининг мажмуасида ташкил топиб, улар ўз ичига “Саҳна ҳаракати асослари”, “Ракс”, “Муסיкий ритмик тарбия”, “Саҳна жанги санъати” кабиларни қамраб олади.

Бу санъат турларининг ҳар бирини ўзига хос техникаси бор. Шу нуқтаи назардан “Саҳна жанги” санъати ўз олдида талабаларни бир-бирига шикаст етказмаган ҳолда тарихий даврга қараб қуролларда сунъий жанг қила билиш усуллариини ўрганиш, шу билан бирга муаллифга зарур бўлган жисмоний ва руҳий ҳолатларни ривожлантиришда хизмат қилувчи: диққат, зийраклик, ҳозиржавоблик, майинлик, эпчил ва чаққонлик каби хусусиятларни ритмик ҳаракатларда мужассамлаштирган ҳолда олиб бораётган “жангни” ҳис қила билишларини, саҳнавий кўринишни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйди.

Инсонларни ҳар хил даврларда турлича қуролланиши, уларнинг тарихий ва ижтимоий ривожланиши ва боғлиқ шунга яраша ўзаро муносабатлар ҳисси ўзгариб боради.

“Қуролларнинг барчаси асосан ўзини душманлардан ҳимоя қилиш ва ўзгаларга ҳужум қилишга мўлжалланган бўлса-да, улардан ов қилиш ва хўжалик ишларида ҳам фойдаланганлар. Ундан ташқари қилич тақиш, кийим-аслаҳа олий табақа кишиларнинг урф-одатига айланган.

Тарихий даврга қараб қуролланиш уларнинг кийиб юрган либосларига мос бўлган. Саҳна жангини ўрганишдан олдин талабалар тарихий давр ҳақида инсонларни ижтимоий ва маиший яшаш шарт-шароитлари, киядиган либослари ва ахлоқ тарзи ҳақида ҳамда олий табақа маросимлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлишлари керак.

Ана шу билим ва маълумотларга эга бўлгач талабалар тарихий даврларга хос бўлган либосларда, куруллар билан юриш-туриши, курул ишлатишнинг турли усуллариغا риоя қилган ҳолда машқларни бажарадилар.

Ҳар қандай даврга хос бўлган сахна жангини яратишга курул билан оддий хатти-ҳаракатлар қилиш услубларини ўрганиш, асосий билимлардан бири ҳисобланади.

Сахна жанги машқларини бажаришда талабалардан керакли даражада жисмоний кучлилиқ талаб қилинади. Бунинг учун талаба жисмоний тарбия дарсларида яхши чиниққан бўлиши керак. Шунинг учун бу дарс кучли, чакқон, эпчил ва ҳозиржавоб бўлиб, гавдаси ўзига бўйсунадиган, чидамли бўлиб тарбиялашга мўлжалланган.

“Сахна жанги” санъати дарсини талабалар “Сахна ҳаракати асослари”, “Муסיқали ритмик тарбия” ва “Жисмоний тарбия” дарсларини ўрганиб бўлганларидан кейингина ўташлари керак¹”, дея кўрсатма берадиган А.Исмоилов ушбу фикрлари ўзбек эстрада санъати актёрларини тарбиялашда катта эътибор бериладиган тизимдир.

“Сахна жанги” дарси “Актёрлик маҳорати” билан боғлиқдир. Сахна жангида ҳам актёрлик техникасида бўлгани каби партнёрлар ўртасидаги мулоқот турли темпо-ритмда ҳаракат қилиш, жозиба, тасаввур қила билиш янада кучлироқ талаб қилинади.

Актёрнинг ижро этаётган роли бўйича сахна жанги олишувида, курашда, муштлашишда ундан мардликни, таъсирчанликни талаб қилиш билан бирга ундан хавфсизликка, партнёрига заррача ҳам шикаст етказмасликка даъват этилади. Сахна жанги томошабинни худди ҳаётдагидек ўлим хавфи бордек ишонарли таъсир қилиши керак.

¹ Исмоилов А. Сахнавий курул-яроғ ва либослар билан ишлаш. – Тошкент: 1990.

Дарсларни спорт қиличбозлигида фойдаланадиган алоҳида юзга тутувчи сим, тўр тўсиксиз ва кўкракни ўткир тигдан сақловчи махсус нимчасиз ўтиш лозим. Ҳимоя кийимсиз бўлса, у ҳолда қаршисида касбдоши, дўсти, партнёри турганини унутмайди ва унга шикаст етказмасликка, майиб қилиб қўймасликка ҳаракат қилиб, эҳтиёт чораларини кўради. Зарба берувчи актёрнинг қўлидаги қуролнинг тиғи, найзасининг учи иккинчи ҳимояланувчи актёрнинг гавдасига 10-15см етмасдан тўхтатиши керак. Ўзини ҳимоя қилувчи актёр ҳимояни янглишиб, ўз вақтида ололмай қолган тақдирда унга шикаст етмаслиги керак. Жанг сахналари, муштлашишлар, қиличбозлик, ўтли олишувлар актёрлар томонидан қанча кўп ва аниқ такрорлаб турилса (репетиция) шунчалик ишонарли ва таъсирли бўлади.

Талабалар илгаридан тайёрлаб машқ қилган, ёдлаган олишув жанглариини сахнадан томошабинларга кўрсатаётган вақтларда унга шу тобда жанг шаклига ўзларича янгилик киритишлари ёки уни ўзгартиришлари мутлақо ман этилади. Акс ҳолда жанг қилаётганлар сахнада бўлаётган томоша мазмунини бузадилар ва етарлича даражада шикастланишлари, мажруҳ бўлиб кейинчалик касбларидан ажралиб қолишлари мумкин. Саҳна жанги дарсини қиличбоз спортчилар эмас, балки актёрлик маҳоратини ўтаган, спортнинг тури билан шуғулланган кишилар ўтаганлари маъқулдир. Биринчи машғулотларда талабалар хатти-ҳаракатларини машқларни бажаришларида эҳтиросга берилмасдан, шошилмасдан, аниқ бажара олишни ўрганишлари керак. Талабаларда “жангни ҳис қила билишлик” унинг жанг қилиш услубини бўлак-бўлак қилиб ўрганиб сўнгра яхлитликка ўтиб узлуксиз бажаргандагина пайдо бўлади. Машғулот вақтида дарслар дастлаб худди “секинлаштирилган кино”га ўхшаб ўрганиб, кейин эса уни аста-секин тезлаштириб, ғайрат билан ҳаракат қилишга ўтиш керак.

Қилич билан “санчиш” ва “чопиш” машқни бажараётганда “рақибнинг” танасига 15-20 см қолганда тўхтатиш керак. Инсонга мутлақо

хавфсиз бўлган ҳолдагина машғулотларни давом эттириш керак. Машғулот вақтида оёқлар ҳаракатига алоҳида эътибор берилади. Бир кадам олдинга ва орқага юриш, икки кадам, уч кадам, тўрт кадам, олдга ва орқага юриш, сўнгги ҳамла учун шаҳдам, катта кадам ташлаш лозим ва ҳоказолар. Юмшоқ “ҳолсиз”, бўшатишган оёқ ва ноаниқ ташланган кадам сахнада содир бўлаётган драматик жанг ҳақиқатни ифода қилиб беролмайди. Кичик-кичик содда машқларни оз-оздан меъёрига етказиб, ўргангандан сўнг мураккаб машқларни ўзлаштиришга ўтилади.

Талабанинг диққати қўл ва оёқларини, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда “рақиби”нинг қилаётган ҳаракатларига мос келишига қаратилган бўлиши лозим. Машғулотни аввал ҳамма талабалар бир қаторга туриб, кейинчалик жуфт-жуфт бўлиб ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ўқитувчилар қўлларига қурол (шамшир, ханжар, найза, қилич ва ҳоказолар) олиб бир-бирига юзланиб турганларида, ихтиёрий равишда “жанг қилмоқчи бўлиб” зарба беришга тайёр ҳолда турадилар.

Қурол ишлатиш мактаби сабоқларини ўтмасдан туриб қилинган “жанг” эстетик завқ бериш ўрнига кишига хатарли хавф туғдириши мумкин (кўзсиз қолиш, мажруҳ бўлиб қолиш, шикаст еиши, ҳаттоки ҳаётдан кўз юмиш мумкин).

Талабада ўзида енгилликни, юмшоқликни, эпчилликни ўзлаштиргандан сўнггина тезликка ва чаққонликка ўтиб, машқ бажаришга ўтишга ўқитувчи алоҳида аҳамият бериши зарур. Аввало талаба бутун диққатини техникани ўрганишга жалб қилиши керак, ҳаракатларни бажариш даражасини ихтиёрсиз равишда қилинадиган ҳаракатга олиб келиши керак. Шиддатлиликни ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият бериши зарур. Ритм ва тезликни ўрганиш “жанг” таъсирчанлигини янада оширади. Жанг вақтида қилинадиган жиддий паузаларга эътибор бериш лозим. Паузалардан актёр навбатдаги ҳамлага тайёрланишда фойдаланиб, сўнггра илгаридан режалаштириб олган “жанг”ни эркин давом этдира олади.

Томошабин кўз олдида сахнада туриб жанг қилиш актёрдан эркин фантазияни, тўқилган тасаввурни кучли ишончни талаб қилади. Сахнада режалаштирилган “жанг”да хавфсиз деб ҳисобланган ҳаракатларни актёр ҳаётида бўлаётгандек ишонч билан қабул қилмаса, кўрсатаётган жанги томошабинларда ишонч ҳосил қила олмаслиги мумкин.

Талабалар ўз гавдаларини мутлақо бўш ҳолатидан тезлик билан ўзини “йиғиб” олишни ва унинг акси бўлган мушакларни таранг ҳолатдан бўш ҳолатига ўта билишни тарбиялаш керак. Инсонда мавжуд бўлган ҳамма хатти-ҳаракатларни, жуда секин бажаришдан жуда тез бажаришга ва турли тезликларга ўта олишликни талаб қилиш лозим. Ўқув жараёнида фойдаланган парчаларда талабалар меъёридан ошмаслиги, диққатли бўлишга даъват этиш керак. Кўрсатилаётган шафқатсиз “жанг” томошабинларда нафрат уйғотмаслигини назарда тутган маъқул.

Шунинг учун ҳамма талабаларнинг бажараётган ишларига меъёр, ўлчов, танлов, техник томонидан хавфсизликка эътибор берган ҳолда бажара олишликка даъват этиб, асардаги ҳаракатларни эслаб қолиб сўнг такрор кўрсата билишни ҳар қандай ҳаракатсиз сахнани жонлантириб “олишув”ни фаол давом этдиришни талаб қилиши керак.

Бундай ҳолатларда “олишув” вақтида сўз ишлата билишлик ҳам фойдадан холи эмас. Илгаридан тайёрланиб ўрганган ва ёд олган “жанг” асосида, паузалар орасида олишувчилар ўртасида импровизация тариқасида сўзлаш мумкин ёки бўлмаса аниқ ёзилган ва ёд олинган сўзни айтиш мумкин. Бу ҳолатда қўлдаги қурол билан қилинаётган хатти-ҳаракат сўз билан тўлдириб кўрсатилса машқ ёки парча янада ишонарли ва таъсирчан бўлади. Бундай машқлар талабаларни сахнада ўзини янада эркин ва жозибали тутишга ундайди. Кейинчалик ўқитувчи талабаларга дарсларни ўзлаштиришига қараб, уларнинг қобилиятини, имкониятларини назарда тутган ҳолда, мустақил иш тайёрлаб кўрсатишни тавсия қилиши керак. Шу қаторда ўқитувчи машғулот давомида ҳар бир талабанинг шахсий имкониятларини эътиборга олган ҳолда унга алоҳида мустақил иш

тавсия этиш ҳам мумкин. Агар талаба табиатан юмшоқ, мулойим, шошмасдан. Аста-секин ҳаракат қилса, унга тез, аниқ, чакқон. Эпчил ҳаракатларга ундовчи машқларни, парчаларни мунтазам бажаришни тавсия қилиши зарур ва унинг акси бўлган қурол, оғир ва унинг кўримсиз, ноаниқ бажарувчиларга эса машқларни яхлит) ҳолда маъноли ва гўзал, мулойим бўлишга эришишни тавсия этиши керак.

“Саҳна ҳаракати” дарсини ўрганишда энг зарур бўлган шартлардан яна бири – диққатдир. “Жанг қилувчилар” учун диққат энг муҳим фазилатлардан биридир. Айнан қиличбозлик билан боғлиқ машқлар диққатни талаб қиладиган ёрқин кўринишдир. Саҳна жангининг ҳар бир тури маданиятли, хушмуомалали, матонатли, довурак ва аҳил кишиларнинг спортдир, деб қаралса хато бўлмайди. Саҳнада жисмоний хатти-ҳаракат билан кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳар бир ижодкорда бу хусусиятлар мужассам бўлиши шарт.

Юқорида “Саҳна ҳаракати” фанининг эстрада актёрини тарбиялашдаги ўрнига батафсил тўхталиб ўтдик. Саҳна ҳаракатининг ифода воситалари қаторига кирувчи пантомима, рақс, ритмика машғулотлари ҳам актёр истикболида алоҳида ўринга эга.

Кафедра бугунги кунда ўз фаолиятидан келиб чиқиб талабалар билан саҳна кўринишлари, жанг ва пластик ҳаракатлардан ташкил топган спектакллар саҳналаштириб институт миқёсидаги талаба ёшлар фестивалида иштирок этиб келмоқда. Шулардан Шамсиддин Усмонов режиссёрлигида “Халоскор”, шу кафедранинг рақс ўқитувчиси Лаззат Кобесова ва саҳна ҳаракати ўқитувчиси Ш. Усмонов ҳамкорликда актёр талабалар ижросида классконцертлар саҳналаштирамоқдалар. Бу талабаларда танлаган касбларига бўлган иштиёқини янада ривожлантиради.

3.2. Эстрада актёрининг пластик хатти-ҳаракатида рақс санъати

“Тангри Одамни лойдан бино қилиб, пишириб, руҳга: “энди танага кир”, деб буюрибди. Руҳ бундай келиб қараса, тананинг ичи қоп-қоронғи жой эмиш. У қўрқиб: “Йўқ-йўқ, кирмайман”, деб тайсаллабди. Тангри шунда Исрофилга: “Чал куйингни”, деб айтибди. Исрофил сурда шундай бир куй чалибдики, руҳ балқиб, рақсга тушиб, танани гир айланиб, қандай қилиб Одамнинг ботинига сингиб кетганини билмай қолибди. Одам танида руҳнинг рақси уйғониб, унга жон кирибди. Ривоят қилишларича, Одам рақсга тушиб жонланган эмиш. Исрофил чалган куй эса “Лазги” бўлган экан”¹.

Илмий ишда бундай ривоятларга тўхталиш балки шарт эмасдир. Бироқ, рақс санъати инсонга Оллоҳ томонидан берилган бир инъом эканини, кимдир бу неъматдан кўнгилларга завқ берувчи ҳаракат деб билса, яна кимдир қалбдаги туйғуларни нозик ҳаракатларда ифодаловчи восита сифатида изоҳлайди. Биз эса актёрлик фаолиятида рақс санъатидан танани эгилувчанлигини оширишда, мақсадли ҳатти-ҳаракатга йўналтирувчи, туйғуларни ҳаракатлар билан изоҳлашда ифодавий восита сифатида фойдаланамиз.

Барча халқлар улуғлайдиган санъат турлари орасида рақс санъатининг ўрни бошқача эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Рақс инсон қалбидаги сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туғённи, дардни, жўшқинлик, қувноқлик, изтироб, мухаббат, севгини тана ҳаракатлари орқали ифодалайди. Франциялик актёр, рақс билимдони Франсуа Дельсарт айтганидек, “тананинг ўз тили мавжуд”. “Андижон полька”да қувноқлик, чапанилик изҳор этилса, “Дилхирож”да жўшқинлик, “Тановор”да севги тараннуми, “Лазги” куч-ғайрат ифодасидир. Шоир орзуларини ва қалб туғёнларини сўз орқали қоғозга туширса – шеър дунёга келганидек, хушоҳанг мусиқа ва гўзал ҳаракатлар уйғунлигида – рақс пайдо бўлади.

¹ Кўшкарров С., Кўшкарров У. Сўфий жанг санъати. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б. 99-100.

Рақсдаги бадий образ –пластик ҳаракатлар, тана ифодавийлиги ва ритмик воситаларнинг тинимсиз алмашинуви орқали вужудга келади.

“Рақс инсоннинг меҳнат жараёни ва ва борлиқдан олган эмоционал таассуротлари билан боғлиқ ҳолда майдонга келган. Рақс санъати инсоннинг маънавий руҳий оламини ёритишга қаратилган, у томошабинларга кучли ғоявий - эмоционал таъсир кўрсатади. Гармоник ҳаракат, ҳолатлар, пластик ифодавийлик, юз имо-ишоралари, ритм ва темп, маконда шакл яратиш ҳамда композиция рақс санъатининг асосий воситаларидир”.¹ Ҳар бир халқнинг ўз рақс услуби, ижро анъаналари, пластик тасвирий ифода воситалари мавжуд. У халқ рақси сифатида намоён бўлиб, ўша миллатнинг келиб-чиқиши, яшаш тарзи, табиатидан келиб чиқиб шаклланади. Халқ рақси кўпгина санъат турлари ва мусиқа билан узвий боғлиқлиги сабаб халқ маросимлари, байрамларнинг таркибий қисмига айланди. Ғарбда оёқ ҳаракатлари муҳим бўлиб, қўл ва тана ҳаракатлари уларга жўр бўлади. Шарқда эса қўл ва тана ҳаракатлари пластик ифодалиликнинг асосий воситаларидир. Пластик ифодавийлик актёр фаолиятининг муҳим омиллардан бири деб, қайта-қайта такрорланыб келиб келмоқда. Шундай экан, рақс инсон танасини, бўғимларини пластик ҳаракатга келтирувчи бадий гимнастика тури деб ҳисобласак, хато қилмаган бўламиз.

Юқори бобларда эстрада санъатини синтетик санъат тури деб, эътироф этдик. Дарҳақиқат, эстрада санъатида актёрлардан куйлаш олишни, рақсга тушишни билишлари ҳам талаб қилинади. Бу актёрдан рол устидаги мукамалликни талаб этса, сахнада эса кутилмаган вазиятлардан чиқиб кетиш имкониятини беради. Ёки бўлмаса, актёрнинг қаҳрамони рақсга тушишига тўғри келиб қолганда, ритмга туша олиш, қайси миллат, қайси вилоятга мансублигига қараб ҳаракат қилишига ёрдам беради. Мисол учун, “Фарғона рақсларига гоҳ шўх ва тетик, гоҳ майин оқувчи ҳаракат, гавдани бир оз олдинга эгиб эркин, нафис тутиш, хилма-хил

¹Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. –Т.: “Ўқитувчи” 1981. – Б. 14.

маъно кашф этувчи чиройли қўл ҳаракатлари хос бўлган. Бухоро ўйинчилари эса одатда товонни уриб-уриб, тиззани букиб, айнаи чоғда гавдани ғоз тутиб, виқор билан, кифт титратиб, аниқ шаклли, пухта қўл ҳаракатлари билан ўйнаганлар. Бухоро рақсидаги катта доирадаги чархлар муҳим ўрин тутган. Хоразм рақси учун эса тиззаларни сал-пал букиб, кифтларни тик тутиб, бутун танани ҳаракатга келтириб, билак ва бармоқлардан турли-туман чиройли шакллар ясаб, ўйноқи, шўх, оташин ўйнаш характерлидир”¹.

Профессор Муҳсин Қодировнинг “Ўзбек халқ томоша санъати” китобида вилоят рақсларини аниқ ва равшан характерланган. Яна ўша китобда ниқобли ўйин, пантомима, меҳнат маросимлари, ов жараёнлари мустақил томошага айлангани, бу айнаи вақтда театр асари – спектакл дегани ҳақида ҳам маълумот берилган. Унда актёр юзига қоракуя суртиб, оёқ ва қўлларини, бўйни ва бошини алоҳида тутиши билан юмронқозик қиёфасига кирди ва унга хос хатти-ҳаракат қилиқ ва товушларни ҳаққоний яратиб беради, дейилган. Бу эстрада санъатининг таклид жанрига тўғри келади. Демак, рақс санъати ҳам қадимий, ибтидоий санъат тури бўлиб, мазмундорлиги, образлилиги, томошавийлиги билан халқимиз меросидан ўрин олиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Рақс театр саҳнасига кириб келиши билан спектаклнинг томошавийлиги, жозибадорлиги ошди. Актёрлар маҳоратини кўрсатишда ифода воситаларидан бирига айланди. Қалбдаги туйғуларни сўз, қўшиқ билан ифодалай олмаганда тана ҳаракатга келади. Режиссёр спектакл саҳналаштириш жараёнида рақс саҳналари учун балетмейстер таклиф қилади. Саҳналаштирувчи балетмейстер асарнинг мазмун моҳиятидан, қайси халққа, вилоятга тегишли эканини ҳисобга олиб, рақс саҳналаштиради. Спектаклда рақс кайфиятни ифодалайди. Қаҳрамонимизнинг бирор қувончли хабар эшитиб қолганида, хурсандлигидан ўйинга тушиб юбориши, кутилмаганда бошига тушган

¹Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. –Тошкент.: “Ўқитувчи” 1981. – Б. 19-20.

кулфат саросимасидан гир айланиши, беморга Тангридан шифо тилаб илтижоли зикр тушиши ҳамма-ҳаммаси мақсадга йўналтирилган пластик хатти-ҳаракатга йўғрилган туйғулар ифодасидир. Ана ўша ҳолатда ҳам орқадан келаётган мусиқа оҳангига мослаб ўйнай олиш актёрнинг ритмни кай даражада ушлай олишини кўрсатади. Эстрада актёрининг пластик таъсирчанлигини оширишда касбий омиллар таркибига рақс санъати алоҳида ўрин тутди. Эстрада актёр бир ўзи сахнага чиққанида ҳам, жамоа бўлиб чиқадими, ёки партнёр билан номер ижро этадими, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз индивидуаллигини намоён этиш имконияти берилади. Ана ўша вазиятда касбий омилларнинг ўз ўрнида ишлатилиши номер ва томошанинг таъсирчанлигини оширади. Томошабинга маданий ҳордик улашади. Актёр қачон мухлисларни ўзидан бездирмайди, қачонки у образлар хилма-хиллигига эриша олса. Бир хил штампли, бир хил характерли роллар актёрга бўлган ҳурматни тушуриб юборади. Актёрлар орасида “классик асарлар актёрни чархлайди”, деган гап бор. Чунки классик асарлар актёрлардан изланишни, тарихни билишни, даврни, юриш-туришни шу билан бирга адабиёт ва санъатини ўрганишини талаб қилади. Таниқли актёр, режисёр Қудрат Хўжаев рол устида ишлашда доимо одамларни кузатгани, прототипини излаганлиги, жанрларни бири-биридан фарқлай олишни, образга оид маълумотлар йиққани ҳақида “Сахнага йўл” китобида келтириб ўтади. “Мен институт программаси билан кифояланиб қолмасдан, унинг кўрсатмаси асосида бошқа машқларни ҳам бажариб, ўзимни классик асарларга тайёрлай бошладим. Бунинг учун турли даврларнинг костюмига мос, чиройли, нафис ҳаракатлар қила билиш керак... Мен ҳар хил гавда ҳаракатлари машқини меъёрига етказиш билан бирга, турли даврлар, халқларнинг ҳаёти, урф-одатлари, кийим-кечакларини ҳам ўрганиб чиқар эдим... музейларга қатнаб, скульптураларни кузатдим, ойна олдида туриб, қадимий ҳайкалларга тақлид қилдим. Қўл ва тана ҳаракатларимни такомиллаштирдим. Буларнинг ҳаммаси Мольернинг Домисини

ўйнаганимда кўл келди...”¹. Масалан, Испания драматурги қаламига мансуб асар бўлиб, унда қаҳрамон “ Танго” рақсига тушишига тўғри келса, актёр балетмейстер билан ишлаши шарт. Санок усулида ўрганиладиган ушбу рақс эстрада актриса ва актёридан кўп меҳнат талаб қилади. Бу рақс калб туйғуларини очик изҳор қилиниши билан жозибалидир.

Классик рақслар хореографиянинг асоси бўлган, деярли уч аср мобайнида шаклланиб, натижада қатъий бир тизимга эга бўлган ҳаракатлар мажмуи саналади. Унда рақс ижрочисининг танасини ривожлантириб, ҳаракатларни эркин бажаришга ўргатиш ҳисобланади. Қадди-қоматни тўғри шакллантиради, координация, эгилувчанликдан ташқари ижодий фикрлашни, ижро маданиятини шакллантиради. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида актёрларнинг ритмик, пластик ва хореографик кўникмаларини шаклланишида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир босқичда актёрларнинг касбий фаолиятидан келиб чиқиб дастурлар тузилади. Дастурлар миллий, замонавий, жаҳон классикаси, турли халқлар рақслари, фольклор - этнографик рақслар, хореографияга оид бўлган тушунча ва қоидалардан тузилган. Талабалардан иборат рақс гуруҳлар институт миқёсидаги тадбирларда чиқишлар билан залдагиларга завқ берса, рақсга тушуётган талабаларга эса малака ва тажриба сифатида назарияларни амалда бажариб кўришга имкон беради.

Биз ўзимиз билганимизча рақсга тушамиз. Лазги куйи бўлса кўлларимизни титратиб, елкаларимизни учирамиз. Андижон полкага бўлса, битта оёқни букиб, иккинчи оёқни ерга уриб шўх ва чапанича ўйнаймиз. Қандай ўйнамайлик, танамиз яйрайди, бўғимларимиз ҳаракатга келади. Бироқ рақс санъатида ҳар бир ҳаракатнинг ўз номи, ҳаракат йўналиши, мақсади ва санок усулида, маъноли ҳаракатлар билан ижро қилинади. Ҳар бир саҳналаштирилаётган рақс жанри, йўналиши билан ажралиб туради ва такрорланмас санъат асрига айланади. Классик рақслар ўзининг босиқ, вазмин ижро этилиши билан ўз хусусиятига эга.

¹ Хўжаев Қ.У. Саҳнага йўл. –Тошкент. “Ўқитувчи”, 1982. – Б. 19.

Ундаги ҳар бир ҳаракат актёрдан синчковликни, партнёрни тушунишни, ҳис қилишни ўргатади.

Келинг, классик рақсинг хореографик техникасини кўриб чиқамиз: Классик рақсда оёқнинг 1 та эркин ва 5 та очик позициялари мавжуд. Қўлнинг 1 та эркин ва 3 та позицияси бор. Бармоқларнинг “аллонге” (узайтирилган), гавданинг “сроисе” (ёпиқ ёки чалиштирилган), “эффасе” (очик ёки юмшатмоқ), “эсарте” (ён томонларга, гавда “сроисе” ва “эффасе” ҳолатларида), “арабескуз” (нақш ёки безаклар I-II-III-IV), “аттитуде” (ишчи оёқ 90 градусга орқага кўтарилган, тиззалар сал букилган гавда “сроисе” ва “эффасе” ҳолатларида) ҳолатлари бор.

Доимий равишда такрорланувчи, оддийдан мураккаблашиб боровчи машқлар уч қисмдан иборат:

I.Станок ёнида экзерсис.

II.Зал ўртасида экзерсис.

III.Аллегро.

Ҳар бир қисм ҳаракатларининг ўз асосий вазифаси мавжуд. Улар ҳар-бир бўғим, мушак ва пайларни бирма-бир ишга солади. Станок ёнидаги экзерсис координация оёқларни кучли бўлишига, бош, қўл ва гавданинг эластиклигига, ижро вақтида барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқорида классик рақс назарияси билан танишган бўлсак, энди халқ рақсининг назарий томонларини кўриб чиқамиз. Халқ рақсида оёқнинг 5та очик, 5 та тўғри, 5 та эркин ва 2 та ёпиқ позициялари ва турли ҳолатлари мавжуд. Қўлнинг 7та позицияси ва 3та ҳолати бор. Гавда тўғри ҳолат, олдинга,орқага ва ён томонларга эгилган ҳолатларидан иборат.

“Халқ характер рақси” фани икки қисмда ўргатилади.

I.Станок ёнида экзерсис.

II.Зал ўртасида экзерсис.

Халқ рақси экзерсиси классик рақс экзерсисига асосланади. Аммо, унинг мақсади асосий халқ рақсларининг элементларини қўллар, оёқ, гавда

ва бошнинг асосий ҳолатларини ўрганиш орқали халқ мусиқаси ва характери билан таништиришдан иборат. Халқнинг феъли, ички дунёси, темпераментига хос жиҳатларини акс эттириш қобилияти устида ишлаш станок ёнида бажариладиган машқлардан бошланади.

Станок ёнидаги экзерсис тартиби қуйидагича:

1. Ярим ва тўлиқ ўтириш (Деми ва гранд плиэ)
2. Оёқ учини тортиб полда сирпантириш (Баттемент тенду)
3. Кичик отишлар(Баттемент тенду жете)
4. Ҳавода ёки пол бўйлаб оёқ билан айлана ҳаракатлар(Ронд-де-жамбе пар терре)
5. Пошнали машқлар (Баттемент фонду)
6. Оёқларнинг паст ва баланд бурилишлари (Баттемент фραπε)
7. Майда кескир уришлар
8. Кучланишсиз кафтли машқлар(флик-фляк)
9. Арқончага тайёргарлик
- 10.Зиг-заклар (илонизи)
- 11.Оёқни 90 градусга очиш (Баттемент релевелент)
- 12.Катта отишлар (Гранд баттемент жете)

Ҳар бир комбинация “препапатион” яъни, машқларга мувофиқ мусиқий кириш ва қўлларни тайёрлаш ҳаракати билан бошланади. Станок олдида рус, украин, венгер, испан, поляк, молдава, циган, озарбайжон, татар каби миллатлар рақс ҳаракатларининг элементларидан фойдаланилади. Машқлар қўл кафтларини буриш, оёқ кафти, товони, учи билан депсиниш, тик ва букилган оёқларда ҳаракатланиш, кескин ўтириб-туришлар, сакрашларни ўз ичига олади.

Талабаларда яъни бўлгуси актёрларда ритмика ва рақс кўникмалари шаклланиши келажакдаги муваффақиятларга йўл очиб беради. Сўзларимизга исбот сифатида Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов томонидан сахналаштирилган, Нурилло Аббосхон қаламига мансуб “Ўзбекча рақс” спектаклидаги рақс

сахнасини таҳлил қилиб кўрамиз. Спектаклда ўзбек халқининг меҳр-оқибати, урф-одатлари, миллий қадриятларини улуғланади. Спектаклнинг рақс сахналари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ... томонидан сахналаштирилган. Унда Марьям дугоналари билан Рус халқининг миллий куйига рақс тушади. Рақснинг шўхлиги, қувноқлиги залдаги томошабинларни ҳам ўзига тартади. Ёш актёр-актрисаларнинг занжир, доира, жуфт-жуфт бўлиб, хореография қонун қоидалари риоя қилиб ўйнаши талабалик давридан олинган билимлар маҳсули экани яққол сезилади. Кейинги сахна Турсунбой (Т.Мўминов) ва Марьям (Л.Элтоева)нинг ўғлини суннат тўйи кўринишида, ўзбекча рақс, карнай-сурнай, чилдирма садоларига ўйинга тушишларида ўзбек йигитларининг мардлиги, чапанилиги, беғуборлиги ифодаланади. Актёрларнинг қўл - оёқ ҳаракатлари аниқлиги, ритмга бўйсунishi, мусиқани ҳис қилиши касбий маҳоратидан дарак беради. Спектакль ўз номи билан “Ўзбекча рақс” драматург Қумри чевар (Ўзбекистон халқ артисти Д.Икромова) тимсолида ўзбек аёлининг сабр-бардоши, қаноати, меҳрини тасвирлайди. Қумри чевар ёлғиз боши билан якка-ю ягона боласини минг бир азоблар билан катта қилди, бошқа миллат вакили бўлса-да, фарзандининг севгисига қарши бормай уйлантирди, неваралар шовқинидан қувонди. Бироқ Турсунбойнинг тўсатдан тўшакка михланиб қолиши, фарзанд доғида куйиш онанинг паймонасини тўлдирди ва бутун дард-у, ҳасратини Оллоҳга тўкиб солади: “Бойвачча зодагоннинг қизи эдим, ота-онамдан жудо қилдинг. Уйсиз-жойсиз қолибдарбадар яшадим. Эшикма-эшик чўрилиқ қилиб катта бўлдим. Эрга тегдим эримни, бола туғсам боламни олдинг. Етим эдим, есир бўлиб қақшадим. Қаро меҳнатда атала ичиб умрим ўтди. Болаларимга келган бало-ю қазоларни менга бер! Ёлғизгинамнинг доғини кўрмай раббим, кўрмай!”

Бу илтижо, дардга тўла монолог қалб туғёнлари сифатида зикр тушиш сахнасига уланиб кетади. Ҳолдан тойгунча тушилган дарвешона рақс спектакл кульминацион нуқтасига олиб чиқди.

Худди мана шу асар Муқимий номидаги муסיқали театрда ҳам “Ой-онам қайнонам” номи остида Режиссёр Баҳодир Назаров томонидан сахналаштирилди. Театрнинг балет жамоаси спектакл томошавийлиги ва жозибадорлигини оширган. Рақсларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шокир Аҳмедов сахналаштирган. Бу театр ижодкорлари ушбу талқинда қайнона ҳам она эканини биринчи планга олиб чиққан. Собиқ шўро даврида Ўзбекистон хом-ашё базасига айланган оғриқли нуқталар қайнона-келин муносабатлари орасида, хор жамоа арияларида ифодалаб берилган. Бу театр ижодкорлари талқинида ҳам зикр сахнаси ижро этилади. Асар ниҳоясида Қумри чевар (Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова) ўзбек миллий куйи “Тановар”га рақс тушади. “Тановар” ўзбек рақслари ичида ўзининг жозибаси, ҳаракатларининг нафислиги, ибo-ҳаёси билан ажралиб туради. Бу куйга рақс тушаётган аёлнинг дарди, пинҳон тутилган севги, ёрига садоқати, меҳри, кўнгилнинг равшанлиги нозик ҳатти-ҳаракатларда, аста ташланган қадамларда намоён бўлади. Олтмишни қоралаган севимли устоз санъаткор Марьям Ихтиёрованинг рақс пайтидаги қўл ҳаракатлари аниқлиги, юздаги мамнунлик ифодаси актрисани маҳоратидан, бир неча йиллик меҳнат натижасида орттирилган бой тажрибасидан далолат беради. Актрисадаги пластиканинг кучлилиги зикр сахнасида ҳам, “тановар” рақсида эркин ижро қилишига, ролнинг табиий чиқишига имконият яратиб берди. Марям Ихтиёрованинг она роллари орасида энг нуронийси ҳам, меҳрибони ҳам, салмоқ жиҳатдан кўпроқ тош босадигани ҳам Қумри чевар образи эканлиги ҳақида театр назариётчилари, томошабинлар томонидан ҳам кўп эътироф этилгани таҳсинга лойиқдир.

Эстрада актёрининг пластик ҳатти-ҳаракатларида рақс санъати ролнинг ишонарли ва табиий, жозибали, томошавий чиқишини таъминлайди. Саҳнада ҳаракат қилаётган актёрнинг чаққонлиги, уддабуронлиги, импровизацияга бойлиги, ўзини ҳам, партнёрини ҳам кутилмаган вазиятлардан олиб чиқиб кетиши, актёрлик маҳоратини яхши

ўзлаштирганлигидан нишона. Актёр саҳнага чиқишдан аввал сўзларини қайтариб, рақс саҳналарини партнёри билан репетиция қилиб олади. Эстрада актёри қайси жанрда ижод қилмасин, санъатнинг барча турларини билиши нур устига аъло нур бўлади. У якка ижод қиладими, жамоа билан ишлайдими, яратган образлари такрорланмас, томошабинга завқ-шавқ бағишлайдиган идеял қаҳрамонларга айланиши шарт. Бунинг учун албатта, эстрада актёридан тинимсиз ўз устида ишлаш, табиатни кузатиш, одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш талаб этилади. Чунки, инсон атрофига қараб ўрганади, шаклланади, камолликка интилади. Мана шундай тинимсиз меҳнат, изланувчанлик ҳар бир актёр учун керак деб ҳисоблаймиз. Афсуски, ҳозирги актёрларимиз бу каби машқлар билан шуғулланишмаяпти, уни ўзлари учун зарур деб ҳисобламаяптилар. Актёр рол устида қанча кўп ишласа, унинг жосибаси шунча кўп очила боради. Ана шундагина томошабинга керакли маънавий озуқа ва маданий ҳордиқ бера олади. “Пишиб етилмаган, хом-хатала ролининг ҳеч кимга кераги йўқ. Бундай роллар томошабиннинг бадиий дидини, санъатга бўлган ихлоси ва талаби пасайтириб юборади”¹. Чунки томошабин актёрга қараб ўрнат олди, сўзлайди, мақсадларни амалга оширишда актёр тутган тўғри йўлни танлашга ҳаракат қилади. Режиссёр спектакл саҳналаштиришда актёрлар ансамблини тўғри танлай олиши, уларнинг имконият даражасини билиши керак. Бизга маълумки, санъатга хизмат қиладиган барча ифода воситалари мақсадли бўлиши керак. Шунингдек, мусиқа ва рақс санъати ҳам. Мусиқа аввало спектакл жанридан, характерида келиб чиқиб танланади. Рақс эса спектакль бош қаҳрамонини хатти-ҳаракатларининг ифодаси. Рақс қаҳрамоннинг ички яширин туйғуларининг ошкора куйчиси. Нима учун рақс актёр маҳоратининг яна бир белгиси, деб ҳисоблаймиз. Сабаб эстрада актёри саҳнада томоша кўрсатар экан, сўз, мусиқага уйғун тарзда рақсга тушиши номернинг мукаммалигини таъминлайди. Актёр рақсида

¹Хўжаев Қ.У. .Саҳнага йўл. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982. – Б. 13.

пластикага алоҳида эътибор бериши эгилувчанлик, тана ҳаракатларидаги нозиклик, мафтункорликка асосланган бўлиши лозим.

Умуман, сахна ифодавийлигининг асосий жиҳати сифатидаги артистизм эстрада қўшиқчиси пластик маданиятида катта рол ўйнайди. Ракс ҳаракатларини ижро этиш артистизм эстрада вокал жанри артистининг мимикаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бу ифодавийликнинг муҳим воситаси бўлиб қолади. “Ракс жараёнида инсон танаси бутун ҳаракатини тўла бошқаришга эришиш кейинчалик ҳаракатни фикр, кайфият билан бойитиш, яъни унга артистизм деб номланган ифодавийликни беришга мажбур қилади”¹. “Кўпгина балериналар ракс тушаётиб қўлларини силкитади, бу билан ўз ҳолати, имо-ишораларини томошабинга кўрсатади, ўзи ҳам уларни ташқаридан иштиёқ билан кузатади. Уларга ҳаракат ва пластиканинг ўзи учун ҳам ҳаракат ва пластика зарур. Улар ўз раксини ички мазмунга боғлиқ бўлмаган ҳолда “Па” деб атайди ва моҳиятсиз шаклни яратади”², – деб ёзади Станиславский. Таниқли театр устасининг бу гапларини нафақат балет раққослари, балки қўшиқчиларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бунда қиёфа, имо-ишора, нигоҳ кабиларнинг ички моҳиятини очишга бўлган кескин талаб сезилади. Юқорида айтилган фикрлар вокал-эстрада номерида пластика ва мусиқа синтези масалани кўриб чиқишга олиб келади. Мусиқали-пластик образ қўшиқчининг мусиқа материали, уни англашга ғоявий, эмоционал муносабати ҳисобланади.

3.3. Эстрада санъатида мусиқа характери

Ҳар қандай макон ва замонда ҳам кишилар ҳатти-ҳаракати ва интилишлари негизда моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш мақсади ётади. Бугунги кунда жамиятимиз учун энг долзарб ҳисобланган маънавият масалалари хусусида гапирар эканмиз, бу борада эстрада

¹ Ваганова А.Я.. Классик рақслар асоси. -М., 1963.

² Станиславский К.С. Собрание сочинений: В 8 т. Т.3. М., 1954. С. 41.

санъатининг тутган ўрни тўғрисида жиддий мулоҳаза юритишимизга тўғри келади. Шу ўринда эстрада санъати ўз зиммасига кишилар маънавий эҳтиёжини кондирish, уларни эзгуликка, маърифатга чорлаб туриш, ёш авлод эътиқодига мустаҳкам пойдевор ўрнатишдек бир қатор масъулиятли ишларни қамраб олган. Ёшлар қалбида ватанпарварлик, тинчлик, дўстлик каби умуминсоний туйғуларни ўстириш, уларни илмга, изланишга, яратувчанликка ундовчи асарларни яратиш ҳам ижодкорларининг шарафли бурчидир.

Эстрада санъати соҳаси вокал ижодиёти алоҳида ўрин тутати. У руҳийва жисмоний жараёнлар билан бевосита боғлиқ. Инсоннинг эркин психологик ва жисмоний ҳолатлари билан интеграллашувида шахснинг ички олами қанчалик теран ва мазмунли бўлса, эстрада қўшиқчисининг креатив фаолияти шунчалик таъсирчан ва самаралироқ бўлади. Бугунги кунда эстрада вокал санъатида ижронинг бир хиллиги, классик эстрада вокал санъатини асосий аҳоли орасида оммалашмаганлиги, ёш қўшиқчиларнинг шахсияти, ижодий қиёфаси ва ижрочилик маҳоратини кўрсатиб берувчи ҳиссиёт ва туйғуларини ифодалаб бера олмаслиги сингари қатор салбий жиҳатлари кузатилмоқда. Эстрада қўшиқчиларини театр санъати элементларига ўргатиш уларни ижодий шахс сифатида шаклланиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бунда эстрада қўшиқчисининг салбий психофизиологик хислатлари йўқолиб, илҳомланиш вазиятини бошқариш қобилияти пайдо бўлади, тингловчиларга таъсир ўтказиш ва ижрога бўлган қизиқишини ошириш малакаси вужудга келади, ўзининг шахсий – ижодий қобилиятини очиш ва намойиш этиш, ўз фикрини оғзаки ва имо-ишора, пластика билан ифодалаш фаоллашади, ўз ички дунёси ва ҳаракатларида мантикий ва ҳиссий-образли тафаккури уйғунлаштириш қобилияти ривожлантирилади. Эстрада қўшиқчиси композиторлар ёки ўзи ёзган асарларини, ишлов берилган ва аранжировка қилинган оммабоп халқ қўшиқларини, баъзан эстрада сахнаси шароитларига мосланган кичик, тугал шакллардаги

классик вокал асарларни ижро этади. Эстрада қўшиқчисини асарнинг ғоявий –бадий мазмунига мустаҳкам боғлиқ бўлган, қўшиқчилик маҳоратини белгилайдиган вокал-техник кўникмаларнинг бутун бир мажмуини ўз ижросида амалга оширадиган, классик мактаб анъаналарига таянадик академик қўшиқчидан фарқи шундаки, укўп босқичли махсус вокал тайёргалигига эга бўлмайди, фақат ўзига хос бўлган табиий овоз билан куйлайди. У ўз индивидуалигини нафақат қўшиқ айтиш тарзи, балки сахнада ўзини тутиши, очиқлиги, бадиҳагўйлиги, мусикачилар, томошабинлар билан мулоқотга кириша олиш, шунингдек пластика, грим ва либосда, ўз номерини сценографик, рақс-пластик, вокал ва бошқа ифодавий воситалар билан эркин ифодалай олади. Опера қўшиқчиси мавқеини овоз қамрови, динамикаси, қуввати ва сифати, вокал – ижро техникаси кабиларни ўз ичига олган ифодали куйлаш белгиласа, эстрада қўшиқчиси учун эса овознинг интонацияси ва тембр бўёқлари, артистизм ва сахнадаги мафтункорлик, ички эркинлик ва ижро мажмуини мавжудлиги, оҳанг, услуб ва жанр ҳисси кабилар билан муҳим ҳисобланади. Энг муҳими, у қисқа вақт ичида кичик ва тугал шаклда ўз ҳиссиётлари ва кечинмаларини тўла ифодалай олиши зарур. Операда вокал ижрочилиги, яъни сўз, мусиқа, қўшиқни синтезловчи ҳамда адабий ва мусикий драматургияга асосланувчи вокал тили орқали қаҳрамон ички олами очиб бериш бадий образ яратишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Эстрада қўшиқчилигида шакллارининг хилма-хиллигига қарамай, қўшиқчилик ва актёрлик маҳоратини синтезлаш асосида ифодавий воситалар мажмуидан фойдаланиб кичик мусикий шакллар доирасида тугал бадий образ яратишдек муҳим хусусиятга эга.

Жаҳон эстрада санъати тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳақиқий овозга ва актёрлик салоҳиятига эга бўлган артистларгина ҳақиқий ва давомли муваффақиятга эришадилар. Ўзбек эстрадасида халқ олқишига сазовар бўлган қўшиқчиликнинг энг яхши вакиллари ҳам вокал имконияти ва актёрлик салоҳиятини уйғунлаштириш орқалигина бадий образ

яратишга эришганлар. Қўшиқ ижрочининг хонандалик ва драматик қобилияти туфайли ўз сюжети, драматик коллизияси, персонаж характери бўлган сахна асарига айланиб кетган ҳолатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Баъзан образнинг салмоғи туфайли у сахна доирасидан чиқиб, театр қўшиғига айланиб кетиш ҳоллари ҳам кузатилган. Шу маънода замонавий ўзбек эстрада санъатининг тамал тошини қўйганлардан бири, атоқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ўзининг иқтидори ва маҳорати билан барчани хайратга солар ва такрорланмас сурурли онларни ҳада этар эди. Сўз, аниқ ижро, имо-ишора, мимика, пластика, гоҳ лирик, гоҳ драматик оҳангларга эга бўлиб, бадий образлар билан бойиган жарангдор овоз соҳиби, ажойиб хонанданинг ўзига хос ижодий хусусиятидан дарак беради. бу санъаткорни том маънодаги ҳақиқий эстрада актёри, десак муболаға бўлмайди. Чунки, бу ардоқли санъаткор қўшиқ куйлаш билан бирга яхшигина суратлар чизар, шеърлар, ҳикочлар машқ қилар, кинематографияга қизиқар ва хореографияни жондидидан яхши кўрар эди. Артист томонидан вокал – нутқий талқин ва куй оҳангининг тўғри тузилганлиги, ҳиссий бўёқлардан меъёрда фойдаланиши томошабинга бир олам завқ, унутилмас онларни ҳада этади.

Эстрадада бадий образ яратар экан, актёр ўз персонажининг характери ва унинг типик хусусиятларини танлаб олади. Айнан шу йўсинда характер, жўшқинлик, одат ва бошқалардан иборат бўрттириш, ёрқин сахнавий муболағаси пайдо бўлади. Шунга кўра эстрадада сахнавий образ ташқи қиёфа, характерлилик асосида персонажнинг ички ва ташқи хусусиятларини уйғунлаштириш туфайли вужудга келади. Эстрада актёрида ижрочилик маҳоратига монанд тарзда тана пластикасидан фойдаланиши билан бирга томоша залидагилар билан ҳам мулоқотга кириша олиши зарур. Томошабин билан мулоқотга ўрнатиш кўникмаси – эстрада артисти иқтидори ва маҳоратининг муҳим томонларидан бири. Актёр сахнага чиқишининг дастлабки онларидаёқ томошабинни ўзига

жалб қила олиши, улар билан мустаҳкам алоқа боғлай олиши ҳам номерларни муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Эстрада санъатида мусиқа ҳақида гапиришдан аввал Хурматли президентимизнинг эстрада соҳасидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. “Айтиш мумкинки, ўтган асрнинг бошларида илк намуналар пайдо бўлган ўзбек эстрадаси истиқлол йилларида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, бу соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш ишътедодларнинг ўзини намоён этиши учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар муҳим роль ўйнамоқда”¹.

Мусиқада билиш ва англашнинг имкониятлари бадиий адабиётга нисбатан чекланган. Аммо мусиқа воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, самимийлик руҳида идрок этишда бадиий адабиётдан илгарилаб кетади. Яна шуниси билан аҳамиятлики, мусиқа инсон руҳиятига жуда тезлик билан кириб бора олади. Инсон руҳини мавжлантиради, изтиробга солади, уни ўз ўзани бўйлаб оқизиб кетади, бир сўз билан айтганда руҳни бошқариш таъсир кучига эга.

Эстрада қўшиқчиси мусиқа ва матн ёрдамида томоша зали билан мулоқот қилади ва у билан очиқ суҳбат куради. Саҳнада тасвирланаётган персонаж қалби ва ҳаётини артист томонидан ўз қалбининг жонли тасаввурлари ва эмоционал хотиралари орқали намоён қилади. Ижрочи мусиқали композицияга сингдириб бораётган фикр ва ҳиссиётлар аввалдан мусиқий образга кириш жараёнида ўйлаб ҳис қилиб олган бўлиши, жаранглаётган образ қувватининг моҳияти бўлиб қолиши керак. Фақат шу ҳолатдагина уйғунлик вужудга келади. Вокалчи эмоционал хотирасида сақланаётган ўз ҳиссиётларини ўзи ижро қилаётган мусиқа ҳиссиётлари билан қондош эканлигини ҳис қилишга интилиши лозим. Фақат шу

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият” 2008 – Б. 141.

холатдагина хакикий уйғунлик пайдо бўлади. Эмоционал хотира жисмоний кайфият ва театр ҳамда эстрададаги “иккинчи пландаги” роли билан тўғридан-тўғри боғлиқ. “Иккинчи план” – бу эмоционал хотирада сақланаётган ва керакли пайтда ижрочи томонидан чақириб олинadиган, унинг чиқиши пайтида у ёки бу кўшиқни тўлатувчи хиссиётлар коришмасидир. Бу кўшиқчи учун нафакат яхши анланган ташқи кўринишни талкин қилиш учун, балки яхлит образ яратиш учун зарур бўлади.

Барча санъат турларида бўлгани каби музика санъатида ҳам жанрлар мавжуд. Ҳар бир жанр ўз характери, мавзуси ва динамикасига эга. Катта ашулалар кишига сокинлик, хотиржамлик бахшида этса, қувноқ, шўх ва ўйноқи кўшиқлар эса завқ бериш билан бирга беихтиёр танани ҳаракатга келтиради.

Эстрада хонандалиги ривожланиб бораётган бир пайтда соҳадаги баъзи бир камчиликлар кишини ўйлантириб қўяди. Эстрада кўшиқчиларининг ўзини тутиши, кийиниши, имиджи, куйлаш манераси худди европага тақлиддек кўринади. Миллий минталитетни унутиб қўяётгандек. Тўғри, бугун ҳар бир соҳада замонга қараб ривожланиш кетаяпти. Бироқ бу дегани ўзликдан кечиш дегани эмас. Айни пайтда ташқи кўриниш унчалик аҳамият касб этмас дейиш мумкин, бироқ бу санъат турининг оммовийлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ёшларимизнинг аксарияти уларга қараб кийинишга, гапириш оҳанги-ю, юришигача ўрганапти, десак муболаға бўлмайди. Масаланинг яна бир томони борки, у нима демоқчи деб қоламиз. У ҳам бўлса, кўшиқнинг матни. Яхшилаб эътибор берсангиз худди ҳикояга ўхшайди. Қўпол қилиб айтганда, бундай кўшиқларда на мазмун, на моҳият бор. Уларда фақат ўзларини реклама қилиш мақсади кўпроққа ўхшайди. Кўпгина кўшиқчиларимиз сахнада раққослар билан баробар мақсадсиз ҳаракат қиляптилар. Бироқ ҳар бир ҳаракат мақсадга йўналтирилган бўлиб, бирор бир воқеани ифодалаши ҳам керак. Кўшиқ матни бошқа томонда кўшиқчининг ҳаракатлари бошқа

характерга эга. “Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган “асар”лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларга жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусика, ижро усуллари, балки сахна ҳаракатларида ҳам очикдан–очик ажнабий “оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилиш, юлдузлик касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта”, - деб юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида куюниш билан таъкидлаб ўтади. “Айниқса, бизнинг миллий қадриятларимизга, одоб-ахлоқимизга тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузини атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас...”.

Ашула техникасини эгаллаш, овозни созлаш, сахнада эркин ва маъноли ҳаракат қилиш эстрада санъати хонандаларининг дастлабки мажбуриятидир. Мусиқа назариясида *контилена* деган ибора бор. Контилена - майин, узлуксиз, жозибали товуш санъатидир. Яхши куйловчи бўлиш учун шу контилена санъатини пухта эгаллаш керак, товушни шундай шакллантириш керакки, у майин, думалок, ҳимматли сифатларга эга бўлиши шарт.

Ифодали куйлаш бу мақсадга мувофиқ куйлашдир. Куйлашда, ҳар қандай у гўзал бўлмасин, туйғуни "умуман" ифода этиб бўлмайди. Лирик, драматик, тантанали, ҳаяжонли, шиддатли, мунгли, мулойим ва ҳоказо каби куйлаш мумкин. Аммо бу кўп сонли куй турларига, аниқ қўйилган мақсадда, хатти-ҳаракатда, берилган шарт-шароитда, яъни актёрлик маҳоратининг бутун комплексида эришиш мумкин. Энг гўзал ва камолотга етган инсон овози, айтганимиздай, туганмас, эмоционал турларни берувчи мусиқий асбобдир. Аммо ҳақиқатдан ҳам, қобилиятли куйловчининг яхши куйлаши, доимо қаҳрамоннинг аниқ ҳиссиётини ва эҳтиросларининг

ҳақиқатлигини хатти-ҳаракатда, юз кўз, лаб, қошлар пластикасида ифодалайди. Қобилиятли кўшиқчи актёрлар ҳамма вақт ижодий жараёнда фаҳмланган туйғуни ифодалайди.

Ашулачилик сиймоси нимадан иборат? Ашулачилик - сиймоси чекланмаган бўлиб, инсон хактерини, унинг туйғусини кайфиятини, маиший, тарихий, жамоатчилик каби қирраларини ўз қамровига олади. Бу билан ашулачилик сиймоси, аввалам бор, мусиқий овозли сиймо бўлиб, таронанинг ички моҳияти бастакор мусиқасида, ички ва ташқи хатти-ҳаракатлилиги ва хонанда пластикаси белгиланган. Демак, куйловчи актёрнинг ўзига хос тарафи шундан иборатки, у ифодалантирган сиймо характери, хатти-ҳаракатининг қонунийлигини, туйғуларини ва эҳтиросларининг ҳаққонийлигини ашула мусиқасининг ўзидан топади. Товуш ва сўзнинг уйғунлиги фақат ҳофизнинг овозида бўлиши мумкин.

Кўпинча бизнинг институтимизда ва консерваторияда энг асосий фикрни овознинг жисмоний ҳолатига қаратади, бошқа муҳим воситаларини иккинчи даражали қилиб натижада куйловчи актёрнинг санъати маъносиз бўлиб қолади. Албатта чиройли овоз бизни ҳаяжонлантиради. Шу овознинг гўзаллиги бизни бир неча вақт давомида ҳайратлантириб юради. Кейинчалик агар биз гўзал овоздан ташқари ҳеч нарсга эшитмасак, куйловчи бизнинг тасаввуримизни уйғотмаса, фикримизга жавоб беролмаса, бизни ҳайратлантиролмаса, биз бундай овоздан қониқмаган бўлиб, балки ундан юзимизни бурамыз. Шундай ажойиб овозли кўшиқчилар борки, улар овоз аппаратини ишга сола олади ва бошқара оладилар. Улар хоҳлаган вақтда, хоҳ секин, хоҳ баланд куйлай олиши мумкин. Лекин уларни, деярлик ҳаммаси, ноталарни ва уларга сўз ёки бўғинни кўшиб куйлайдилар. Эшитувчи баъзан уларни нима ҳақида куйлаётганини англай олмайдилар. Бундай кўшиқчилар гўзал куйлайдилар, улар баланд "до" нотасини кўкрагидан, узлуксиз, синиқсиз оладилар. Аммо бу куйловчилар бир кеча давомида бундай куйлашда бир неча

ашулани ижро этишса, кўшиқлари хоҳ севги, хоҳ нафрат ҳақида бўлмасин уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бундай куйловчиларда ранг-баранг образлар бир-биридан фарқланмайдилар. Улар ўз товуши орқали мужассамлаштирилаётган сиймога бадий характер беришдан ҳайиқиб, доимо "ўзларининг" номидан куйлашадилар. Улар сиймо ярата олмасдан, фақат овоз кучини кўрсатадилар. Бу борада куйловчиларнинг ижросида ҳаққоний санъат йўқлиги маълум бўлади. Демак, куйловчида овознинг ўзи бўлиши етарли эмас. Яхши ижрочиларнинг ўрта меъёрадагилардан фарқи шундаки, улардаги ижро мусиқий драматургиясининг қонунларига асосланиб, мусиқий ашулавий сиймодан келиб чиқади. Бу олдига қўйилган мураккаб вазифани бажаришда, яъни аниқ мусиқий, хатти-ҳаракатди, жонли сиймони яратишда ёрдам беради.

Саҳнадек муқаддас майдонда омма кўз ўнгида алоҳида бир сийратда намоён бўлиш масъулиятини доимо ҳис этиш, Ботир Зокиров, Фаррух Зокиров, Нуриддин Ҳайдаров, Нуриддин Ҳамроқулов, Хожиакбар Нурматов, Охунжон Мамадалиев, Раъно Шарипова, Насиба Абдуллаевалардек саҳнани муқаддас билиш, табиат инъом этган неъматни ҳою-ҳавасга сарф қилиб қўймасликка интилиш каби вазифалар замонавий эстрада санъатини артистларининг муқаддас бурчи.

III боб бўйича хулоса

Сўнгги йилларда эстрадага қизиқиш айниқса, ёшлар ўртасида кучли эканлиги сир эмас. Шунга кўра, эстраданинг ижтимоий-маънавий масъулияти ҳам кучайиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқ керак. у ҳиссиётларга таъсир ўтказиш, ўзига хос тарзда тарбиявий вазифани бажариш ва шу билан муҳим инсоний фазилатларни шаклланишига имкон яратади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда эстрада санъати оммавий онгнинг бадий тажассуми сифатида талқин этилаяпти ва унинг таъсир кучи, камрови ҳам кенгайиб бораяпти.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожига ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор “Миллий эстрада” деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, “оммавий маданият” руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта...”¹.

Бугунги кунда институт устахоналарида тажрибали, билимдон устозлар қўлида тарбияланиб, профессионал театрларга учирма қилинаётган ёш актёрлар ижодида бу анъаналарга эътибор муҳим аҳамият касб этади.

Эстрада актёрининг касбий фаолиятини оширишда пластиканинг ўрнини аниқлаш эстрада санъатининг тарихи, ижодий йўналиши, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ўрганилди. Тадқиқот ишида эстрада санъатининг келиб чиқиши, тадрижий ривожланиш босқичлари акс эттирилган адабиётлардан, илмий ўқув қўлланмалардан, соҳага оид китоблардан фойдаланилди. Санъат дарғаларининг ижодий йўналишлари ўрганиб, бугунги кунга тадбиқи ҳақида фикр юритилди.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 141.

ХУЛОСА

Эстрада театр санъати халқимизнинг кўнглига манзур бўлган ва сеvimли томошалардан биридир. XX аср бошларида бу санъат турининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган машҳур ижодкорларни айтиб ўтишимиз ўринли. Эстрада санъатининг ривожланиши ва камол топишига катта ҳисса қўшган ўзбек халқининг фидойи санъат соҳибларидан, намояндаларидан Тамарахоним, Халима Носирова, Мухиддин Қориёкубов, Юсуф қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Ботир Зокиров, сўз усталари Р.Ҳамроқулов, М.Ҳамидов, Х.Тожибоев, М.Холмедов, Ш.Исроилов, телеминиатуралар театри муллифи, актёри Э.Каримов, Р.Каримова каби санъатимиз дарғалари ўзларининг қалб кўрларини сарфлаганлар. Бу инсонларнинг чексиз хизматлари натижасида ўзбек эстрада театри санъатининг ўзига хос йўли, усули ва анъаналари юзага келди.

Диссертацияда ўрганилган мавзуларининг долзарблиги, замон билан ҳамнафаслиги, актёрлар учун ҳис-туйғули курашларга бойлиги, асар қаҳрамонлари характерининг пухта ўйлаш, халқимиз турмуш тарзига яқинлаштириш, санъати орқали томошабинлар қалбидан жой олиш учун ҳаракати билан моҳиятини очиб беради.

Эстрада санъатида фаолият юритишни мақсад қилган ёш актёрларга масъулият янада кўпроқ юкланади. Эстрада театр актёридан бу санъат туриларидан, жанрларидан бохабар бўлиш, куйлай олиш, юқори даражада актёрлик ижроси талаб қилинади. Ана шу шарт ва талабларни эътиборда ҳамда уйғунликда олиб бора олган ёш санъаткор ижодий муваффақиятларга эриша олиши табиий.

Диссертациямизда эстрада санъатида иш олиб бораётган ёш актёрларининг бугунги кундаги фаолияти, ифода воситаси бўлмиш пластикадан фойдаланиш усуллари, улар иштирокида намоёиш этилаётган номерларнинг ғоявий-бадий савиясини таҳлил қилишга уриндик.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эстрада театрининг касбий маҳоратини оширишда ритмика, пластика, имо-ишора, рақс, сахна жанги ҳаракатлари каби элементларни бадиий даражасини ўрганиш, ёш актёрлар ижросини муттасил-давомий профессионал тарзда кузатиб таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этиши ҳақида батафсил, имконият даражасида фикр юритдик.

Ҳақиқий эстрада театр санъати намунасининг мўъжизакор қудрати томошабинлар қалбини тўлқинлантириб, ҳайратлантириб, ўзлигини англашига хизмат қилиши лозим. Саҳна ижодкорлари ўз томошалари билан томошабинларни маънан бойитади, руҳини поклайди, кўнглини кўтаради, эртанги кунга ишонч пайдо қилади. Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши шарт деганларидек, эстрада театр санъатининг бўлғуси намоёндалари ҳам бу жавобгарликни ҳис қилиб, ўз устида тинимсиз изланиши, эстрада санъатининг сир-асрорларини яхши англаган ҳолда иш тутишлари ҳозирги давр талабидир. Зеро, актёрнинг саҳнадаги бу ҳаракатларини кўрган томошабин уни ҳақиқий санъаткор, деб тан олсин. Театрга келган одамлар кулсинлар, йиғласинлар, ҳаёлга чўмсинлар, нафосат ва гўзалликдан баҳраманд бўлсинлар.

Эстрада санъатини халқимиз ўзининг энг севган жанри сифатида қабул қилиши - бу жанрда драма ва мусиқанинг, рақс ва шеърятнинг мукамал ва бетакрор синтезидир. Асарнинг композицион қурилиши ва юксак бадиийетидан ташқари, спектакл, томоша ва номерлардаги актёрлик ижрочининг етакчи ўрни, сўз, мусиқа, пантомима, ритмика ва пластика яқка ва умумий рақслар, саҳна жанги, шеърят, мумтоз ғазаллар каби кўплаб бошқа санъат турларига узвий боғлиқ эканлиги саҳна асарларини муваффақиятини таъминлайди. Синтез санъати айниқса эстрада театр санъатида ўз зиммасига катта масъулият олган. Актёр ҳар бир роли, номери, ўз устида ишлаши, жисмоний тайёргарликка эга бўлиши талаб қилинади. Имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ижроларидаги образлари феъл атворидан четлашмаган ҳолда, спектаклни янада бойитиш, ранг-

баранг бўёқлар билан жилва ато этиш катта меҳнат ва изланиш талаб этади. Нафис ракс санъати бўлса, образларни кечинмаларини ўз рақсларига, нозик ҳаракатларига ҳамоҳанг этиши бўлса ҳар қандай томошабинни безътибор қолдирмайди. Ҳозирги техника ривожланган даврда, техникаларнинг турли кўринишлари ижодкорларимизнинг самарали меҳнат қилишлари учун турли-туман енгиллик ва қулайликлар яратаяпти. Бугунги кунда, актёрлар ижросидаги эркинлик, томошабинлар учун қулайликлар, режиссёр ва рассомлар учун турли фантазияларини рўёбга чиқаришларига имкониятлар шу даражада ёрқин ва кўпки, бундан кўп эмас 60-70 йил илгариги сахна имкониятлари билан солиштирадиган бўлсак, театрда синтез санъатининг ўрни нақадар мустаҳкамлашганини гувоҳи бўламиз.

Халқ томоша қилаётган асаридан, ўз дардини, айтмоқчи бўлган сўзларини, жавоб топа олмаётган саволларини ечимини қидиради. Бу бўлса яратилаётган спектаклнинг муваффақиятини ёки мағлубиятини ўлчовчи омилдир. Ҳар бир томошабин танлаш ҳуқуқига эга бўлгани учун ҳам, ижодкорларимиз доимий изланишда бўлишлари зарур. Бугун кўшиқлар ҳам, кўшиқчилар ҳам кўп. Уларнинг савиясини бир хил деб бўлмайди. Бугун пайдо бўлиб, эртага унутилиб кетилаётган кўшиқлар ҳам оз эмас. Аммо шунга қарамай, санъат аввало дидли, саводли ва зиёли томошабинларга хизмат кўрсатишини ҳисобга олсак, бу масалалар ойдинлашади. Яъни бундай кўшиқларнинг сарагини-саракка пучагини-пучакка ажратиш энг аввало томошабинлар ва тинловчиларга боғлиқ.

Одатда бадиий жиҳатдан юксак асарлар йиллар ўтиши билан ҳам эскирмайди, ўз аҳамиятини йўқотмайди. Тўғрироғи, қадрсизланмайди ва халққа эстетик завқ улашишда давом этаверади.

Бадиий савия - хатти-ҳаракат партитураси, мутлоқ ўзини назорат қилиш интуицияси-сезгини йўналтиради, тасаввурни, ҳиссиётни ривожлантиради ва қуйловчи актёрга аниқ бир образ яратишда ёрдамлашади. Бундай равишда ижодий жараёнга бўлган муносабат, мана

шу санъатнинг негизи бўлган кечинмага олиб келади. Драма актёрлари, мусикали театр актёрлари каби эстрада театри актёри учун ҳам кечинма санъати зарур. Эстрада актёри кечинма санъатида образ, қаҳрамоннинг характери яратишда ифодавий, маъноли, мақсадли хатти-ҳаракатга асосланган пластик ифодалашда фойдаланади. Фақат шундан яхлит бадий образ, сахнавий қаҳрамон вужудга келади. Асар ғоясини тушуниб етган ҳолда, томошабинга етказишдир. Ёрқин бадий номер ёки томоша яратиш учун артистларда ашула ижрочилик малакалари ва ижрочилик техникаси шаклланган бўлиши керак.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «эстрада актёрлиги» йўналиши фаолиятида талабаларни тарбиялашда бугунги кун талаблари инобатга олинади. Тез суръатда ривожланиб бораётган шундай бир даврда актёрнинг замон талабларига жавоб бериши талаб этилади. Актёр роль ва ўз устида ишлаш, бу узоқ ва аста-секинлик билан қўлга киритилган йўл бўлиб, у талабадан сабр тоқат ва эътиборли бўлишни талаб қилади. Тўрт ўқув йили давомида мукамал актёрни тайёрлаш, уни овозини, актёрлик маҳоратини, нутқ, рақс, пластикасини профессионал даражага етказиш, бу жуда машаққатли йўлдир. Афсуски, бундай қисқа муддат ичида ҳар доим ҳам исталган натижага эришиб бўлмайди. Айрим талабаларда оҳангни ноаниқлиги сиқиклиги ёки юқори товушларнинг етишмаслиги намоён бўлади. Талабани тўғри шаклланиши учун, унинг олдида қўйилган актёрлик ва хонандалик вазифалари тўғри бўлмоғи керак.

Биз ушбу диссертациямиз орқали баъзи бир фикр ва таклиф-мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Юртимиз театрларида фаолият олиб бораётган кўпгина актёрлар ўз устида ишламай қўйганликлари натижасида яратаётган образлари бир-бирига ўхшаш ва такрорий бўлиб қолмоқда. Қачонки, актёр рол устида ишлаш жараёнида жисмоний имкониятларини ишга солса, тана аъзолари – қўл, оёқ, елка, юз, кўз ва энг асосийси, онгни мақсад сари тўғри йўналтира олса, у ҳақиқий иқтидор эгаси, ўз касбининг моҳир устасига айланади. Демак, театр арбоби К.С.Станиславский таъбири

билан айтганда, ҳар бир актёр санъатдаги ўзини эмас, ўзидаги санъатни севишини сўраган бўлар эдик. Эстрада театри актёрларининг ижрочилик санъати кўп қиррали ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Эстрада актёри сахнада бир ўзи томошабин диққатини маълум бир вақт ичида ўзига қаратиши, уларга нима демокчилигини англата олиши зарур. Бу жараёнда актёр жисмоний имкониятларидан унумли фойдалана олиши мақсадга мувофиқ.

Институтни тамомлаган драма актёри драма театрига, мусиқали театр актёри мусиқали театрга ва оперетта театрига боради. Эстрада актёри-чи? У қаерда ишлайди? Эстрада актёри, драма актёри, мусиқали театр актёри деярли бир хил таълим стандарти асосида тарбияланади. Ижрода эса уларнинг йўналаши бир-биридан фарқ қилади. Йўналиш номи билангина ажралиб туради. Эстрада театри актёрини ўқитишнинг асосий негизи нимада ва бугун мана шу йўналишда ижод қилаётганлар кимлар?

Биз эстрада актёри пантомимани билиши керак деяпмиз. Бироқ пантомима фанидан дарс берадиган мутахассис педагог йўқ. Балки четдан мутахассис чақириш ёки эстрада актёрлик санъати кафедраси педагогларидан чет элга малака оширишга юбориш билан муаммога жавоб топилиши мумкин.

Диссертация мавзусидан келиб чиқадиган бўлсак, эстрада актёри касбий маҳоратини оширишда мутахассислик амалиёти муҳим саналади. Бироқ эстрада актёрлари амалиёт ўташ учун қаерга юборилади? Драма, мусиқали театрларгами? Биз улардан талаб қилаётган хусусиятлар яъни пантомима, конференслик, сўзга чечанлик, юморга мойиллик каби касбий элементларни юқоридаги қайси театр ижодкорларидан ўрганади? Эстрада актёрларининг келажаги очик ҳолда қолаётгани ачинарли хол. Биз бу масалага ечим топишда куйидаги мулоҳазаларни таклиф ўрнида киритишни маъқул кўрдик.

Бизнингча, республикада, вилоятларда эстрада театри студиялари очилиши, студияларга эстрада актёрлиги йўналишини битирган иқтидорли

талабаларни жалб қилиниши, студия олдида йиллик режа қўйиб, концерт номерлар, турли мавзуларда томошалар, моноспектакллардан ташкил топган ўз репертуарлари бўлиши юқоридаги масалага ойдинлик киритиши мумкин, деб ўйлаймиз. Ёки яна бир йўли давлат театрлари қошида эстрада студияларни ташкил этиш, театр репертуаридан ойда бир марта ўз номери билан жой олши ҳам мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўрилса, келажакда эстрада санъатини битаётган талабалар учун «ўқишни битириб қаерга ишга бораман?», деган саволга ўрин қолмас эди. Чунки шу йўналишни битирётган талабалар орасида ўз услубига, йўналишига ва энг асосийси иқтидорига эга бўлган ёшлар талайгина.

Афсус билан айтадиган яна бир нарса борки, кўп ёшларимиз эстрада фақат хонандаликдан иборат деб ўйлашади. Эстрада санъати йўналишига келаётган аксарият ёшлар келажакда хонанда бўлиш мақсадида хужжат топширадилар. Улар ўқиш давомида фақатгина қўшиқчилик билан кифояланиб қолмаслиги унинг ҳам ўзига яраша сир-асрорлари, қонун-қоидалари борлигини тушуниб етаяптилар. Улар орасида лицензияга эга бўлишда диплом кераклиги учун хужжат топшираётганлари ҳам топилади. Бу тоифадаги ёшларга Ўзбек давлат консерваториясига боришларини тавсия қилардик. Чунки у ерда эстрада хонандалиги йўналишида қўшиқчилик етакчи ўринда туради. Санъат ва маданият институтида эса, биринчи ўринда актёрлик маҳорати. Хужжат топширишдан аввал танлаётган касбининг жамият олдидаги вазифаларини ҳам ҳисобга олсалар, мустақил Ватанимиз учун керакли кадрга айланадилар. Унинг довуғини бутун дунёга танитишда ўз ҳиссалири қўшган бўлар эдилар. Ёчимини кутаётган муаммоларимиз талайгина. Умид қиламизки, бу муаммоларга албатта жавоб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги 1771-сонли Қарори асосида Ўзбекистон давлат санъат институти ҳамда А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият

институтлари базасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ташкил этилди. Кимдир бу бирлашувни давлат бюджетининг қисқариши, деб ўйлар. Йўқ, бу Республикамизга профессионал маҳоратга эга бўлган, кенг қамровли иш олиб борадиган мутахассисларни етиштириб бериш учун қўйилган қадам бўлди. Президентимизнинг санъат соҳага мутахассис тайёрлайдиган олий даргоҳга яна бир бор ўз назарларини ташлаганликларининг боиси ҳам юксак маҳоратга, ҳар томонлама етук ижодкорларни етиштириш эканлигида. Кўзланган мақсаднинг асоси ижодкорларнинг бир-бирлари билан тажриба алмашиши, яхлит бир бутунликда ижод қилишида эди.

Бир неча йилдан бери юртимизда ўтказиб келинаётган, “Teatr.uz” халқаро фестивали театр ижодкорлари учун тажриба алмашиш марказига айланди. Юқори тажрибага эга бўлган актёрлар, режиссёрлар билан тренинглар ўтказилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. “Олтин гепард-2013” халқаро кино фестивалининг институт базасида ўтказилиши яна бир ютуқларимиздан биридир. Негаки талабаларимизнинг барчаси фестивал доирасидаги кинофильмларни томоша қилиш бахтига муяссар бўлдилар. Талабаларимиз четэллик мутахассислар билан уларнинг тилида тенгма-тенг фикр юритиши, баҳс-мунозараларга киришиши, айрим ҳолларда улардан юқори келишлари кишида ғурур уйғотади. Ҳозирги кунга келиб институт Россия, Жанубий Корея, Хитой давлатларининг санъат институтлари билан алоқалар ўрнатган. Мана шундай ижодий фикр алмашишлар фақат фестиваллар доирасида эмас, бутун дунё санъат олийгоҳлари иштирокидаги халқаро алоқалар доирасида мунтазам ўтказилиб борилса, ўзбек театр санъати тараққиётига яна бир қадам қўйилган бўлар эди. Бу эса албатта нафақат актёрлар учун балки, режиссёр, драматург, оператор, чолғучилик, рақс, хонандалар маҳоратини янада кучайтириш учун имконият эшиклари очилар эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, санъат – у ранг-тасвир бўладими, хайкалтарошлик, хонандаликми – актёрлик барчаси жамият тараққиётига, унда яшовчи фуқороларга маънавий озуқа, маданий ҳордиқ, эстетик завқ, унутилмас онларни ҳаёти этиши ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, у томошабинларга бевосита ғоявий ва тарбиявий таъсир кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. 1997-йил 29-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чоратadbirlari тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”га Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 сентабрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. 1998 йил 22 майдаги “Ўзбектеатр ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. Каримов И.А. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
4. Каримов И.А. “Миллий театримиз - ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.

5. Дарсликлар

1. Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А.. “Актёрлик маҳорати”. Т.: Фан ва технология. 2012.
2. Аҳмедов Ф.Э. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. Т.: “Алоқачи”. 2008.

3. Станиславский К.С. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Мухамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
4. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
5. Мухамедов М. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
6. Маҳмудов Ж. “Саҳна композицияси алифбоси”. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.
7. Абдусаматов Ҳ. “Драма назарияси”. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.
8. Қодиров М.Ўзбек халқ томоша санъати. –Т.: “Ўқитувчи”, 1981.
9. Исмоилов А.Саҳнавий курул-яроғ ва либослар билан ишлаш.-Т.: 1990.
10. Хорижий театр тарихи: Тарж.: С.Турсунбоев; 2-нашр. -Т.: 1997.
11. Ризаев О. Наби Раҳимов. – Т.: 1997.
12. Чехов М. Пут актера. Москва, “Транзиткнига”, 2006.
13. Актёрлик маҳорати(эстрада актёрлиги санъати). Ўқув қўлланма.-Т.: 2013.
14. Немировский А. Пластическая выразительность актера. Москва «Искусство» 1988.
15. Маҳмудов Ж., Ҳ. Маҳмудова. Режиссура асослари, Ўзбекистон, 2008
16. Икромов Ҳ. Давр ва театр.-Т.: Ўз.МЭ., Давлат илмий нашр., 2009
17. Станиславский К.С. Санъатдаги ҳаётим. –Т.: “Бадий адабиёт”, 1965.

6. Ўқув қўлланмалар

1. Турсунбоев С. “Жаҳон театри тарихи”. Т.: “Фан ва технология”. 2008.
2. Қодиров М.Х. “Ўзбек театри тарихи”. Т.: “Ижод дунёси”. 2003.
3. Основы продюсерства. под.ред. Иванова Г. М.: UNITY. 2003.
4. Ризаев Ш. “Жадид драмаси”. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.
5. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.:”Ўқитувчи”. 1981.
6. Шароев И.Г. Режиссура эстрады и массовых представлений. М.: “Просвещение”. 1986.
7. Туманов И.М. Режиссура массового праздника и театрализованного концерта. Л., 1974.
8. Горчаков Н.М. Режиссёрские уроки Станиславского. М., 1951.
9. Раҳмонов М. Ўзбек театри: қадимий замонлардан XVIII асрларга қадар, Т.: 1975
- 10.Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. “Ўқитувчи”нашр. –Т.:, 1979.
- 11.Қодиров М. Сехр ва меҳр. Адабиёт ва санъат нашр., - Т.:, 1980
- 12.Хўжаев Қ.У. Саҳнага йўл. Тошкент-Ўқитувчи-1982 йил.
13. Қўшкарров С., Қўшкарров У. Сўфий жанг санъати. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
- 14.Ўзбекистон Давлат санъат институти. Санъат таълими. Йилнома 2-4 жилдлар, 2007 - 2009

15. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти. Янги давр санъати: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар. -Т.: “А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2013.

7. Интернет сайтлари

1. ZiyoNET – Ўзбекистон таълим портали
2. <http://www.uzbekteatr.skm.uz> – “Ўзбектеатр” ИИЧБ сайти
3. <http://www.teatr.uz> – Ўзбек Миллий Академик драма театри сайти
4. <http://www.teatr.ru> – Россия Федерациясининг “Театр афишаси” журнали сайти
5. <http://www.teatr-stanislavsky.ru> – К.С.Станиславский номидаги драматик театр сайти
6. <http://www.teatr-estrada.ru> – Москва давлат эстрада театри сайти